



Май сарҳисоби

ФИДОЙИЛИК КУН ТАРТИБИ:



ёхуд "РИЁСИЗ СЎЗЛАР" ҳамда "МИЛЛАТ ШАВКАТИ" да АКС ЭТГАН КЕЧА ВА БУГУН ТАҲЛИЛИ

Давлатимиз раҳбарининг йиллар давомида амал қилиб келадиган кун тартиби ёки кундалик иш жадвали шу қадар тигиз ва мукамалки, бир ой, бир ҳафта, бир кун ўлчовида қамраб олинган юмушлар ҳамда масъул мутасаддилар олдида қўйилаётган вазифа ва топшириқлар кўламини нафақат ижрочилар, балки бу жараёни ёритиб бораётган ОАВ вакиллари ҳам тизимли ёндашувни талаб қилади. Президентимиз иштирокидаги йиғилиш, учрашув, қабул, ташриф, тақдирот ҳамда бошқа тадбирлар мазмун-моҳиятини бир уринишда очиб бериш, мақсадни тўлиқ ифода эта бўлиш осон иш эмас.



Халқ манфаатига хизмат қилаётган лойиҳалар

Президентимиз 3-4 май кунлари Самарқандда бўлиб ўтган Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 59-йиллик йиғилишида иштирок этди. Форумнинг бош мавзуси "Тараққиёт чор-раҳалари: минтақанинг ўзаро боғлиқ келажagini илгари суриш" эканини инобатга олсак, у глобал ва минтақавий иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини муҳокама қилиш учун муҳим халқаро платформа вазифасини ўтади, дейишга асослар етарли.

Иштирокчилар бирламчи эътиборни "яшил" трансформация, энергетик ўтиш, рақамлаштириш, инвестицияларни жалб қилиш, озиқ-овқат хавфсизлиги, санаятда етказиб бериш занжирларининг барқарорлиги каби масалаларга қаратади.

Саммитда 100 дан ортиқ мамлакат делегациялари, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки ва бошқа институтлар раҳбарлари ва хорижий ҳукуматларнинг 2000 га яқин вакили,

етақчи компания ва банклар, трансмиллий корпорациялар топ-менежерлари ҳамда нуфузли экспертлар иштирок этди.

Ўзбекистон Президенти Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгаши 59-йиллик йиғилишининг очилиш маросимида нутқ сўзлаб, бундай нуфузли анжуманининг юртимизда ўтказилаётгани Ўзбекистонга гурур ва ифтихор бағишлашни таъкидлади. Буюк тарих ва ёрқин келажакни ўзида мужассам этган янги Ўзбекистон халқаро микёсдаги долзарб масалалар муҳокама этиладиган йирик масканга айланиб бораётганини қайд этди.

Давлатимиз раҳбари кенг кўламли ислохотлар натижаларига батафсил тўхталиб, мамлакатимиз охириги ўн йилда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда энг катта ижобий ўзгариш қилган беш давлатдан бири бўлганига алоҳида тўхтади. Сўнгги йилларда иқтисодиётимизга 150 миллиард доллар хорижий инвестиция киритилиб, минглаб замонавий корхоналар ишга туширилди. Бу даврда товар ва хизматлар экспорти 3 қарра ўсди, миллий иқтисодиёт ҳажми эса 50 миллиарддан 147 миллиард долларга етди.

— Энг муҳими, ислохотларимизда ҳар бир оила, ҳар бир инсоннинг кундалик

ҳаётини яхшилашга асосий эътиборни қаратдик. Биз ўтган даврда 8,5 миллион эҳтиёжманд аҳоли даромадини ошириб, камбағаллик даражасини қарийб 35 фоиздан бугунги кунда 5,8 фоизга туширишга эришдик, — деди Президентимиз.

Мамлакатимиз етакчиси нуфузли анжуман доирасида хорижий делегациялар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди. Жумладан, Осиё тараққиёт банки президенти Масато Канда, Корея Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, иқтисодиёт ва молия вазири Ку Юн Чхоль, Япония молия вазири Сацуки Катаяма, "АСWA Power" компанияси раҳбари Муҳаммад Абунайян бошчилигидаги делегацияларни қабул қилди. Учрашувларда шериклик алоқаларини кенгайтириш ва қўшма лойиҳаларни жаддалаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Энг катта қуч, энг катта бойлик

Келинг, ойнинг асосий байрамларидан бири 9 май — Хотира ва қадрлаш куни мавзусини лирик чекениш билан бошласак. 1 май куни Президентимиз

"Буюк Британия фуқаролари — марҳум Жон ва Филлис Эмили Ле Бретонларни Ўзбекистон Республикасининг "Дўстлик" ордени билан мукофотлаш тўғрисида"ги фармонни имзолади. Матни унча катта бўлмаган ҳужжатда, жумладан, бундай дейилади:

"Иккинчи жаҳон уруши даврида, ғоят таҳликали вазиятда, ўз ҳаётларини жиддий хавф-хатарга қўйиб бўлса-да, Жерси оролидаги фашистлар концлагеридан қочиб чиқишга муваффақ бўлган ўзбекистонлик аскар Боқижон Акрамовга ўз уйларидан жери бериб, унинг жонини асраб қолганлари ҳамда улкан жасорат ва инсонпарварлик фазилатларини намоён этганлари, дунё халқлари ўртасида тинчлик, дўстлик ва биродарлик ғояларини тарғиб этишда алоҳида ўрнатқанлари учун..."

Иккинчи жаҳон уруши йилларида бошланган ушбу воқеа бугун Ўзбекистон ва Буюк Британия халқлари ўртасидаги дўстлик ва инсоний қадриятлар рамига айланган. У ВВС ва Британиянинг бошқа етакчи оммавий ахборот воситаларида ҳам кенг еритилди.

► Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН САНКТ-ПЕТЕРБУРГДАГИ ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ФОРУМДА ЎЗИНИНГ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ САЛОҲИЯТИНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2026 йил 4-5 июнь кунлари амалий ташриф билан Россияга боради ва Петербург халқаро иқтисодий форумида иштирок этади.



Петербург халқаро иқтисодий форуми анъанавий тарзда жаҳон иқтисодиёти, инвестициявий ҳамкорлик ва ишбилармонлик алоқаларини ривожлантиришнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиш учун йирик халқаро майдонлардан бири бўлиб келмоқда.

Ушбу нуфузли форум дунёнинг турли минтақаларидан давлат тузилмалари, халқаро ташкилотлар, ишбилармон доиралар ва экспертлар ҳамжамияти вакиллари ни бириктиради.

Утган йилги форум тадбирларида 144 давлатдан 24 мингдан зиёд вакил қатнашган. Унда

умумий қиймати 6,5 триллион рублдан (таxminан 70 миллиард АҚШ доллари) ортиқ 1116 та битим имзоланган. Бу халқаро иқтисодий форумнинг юксак нуфузи ва замонавий иқтисодий кун тартибини шакллантиришдаги роли ортиб бораётганидан далолат беради.

Кўп йиллардан буён форум халқаро савдо, инвестициявий шериклик, санаят кооперацияси ва транспорт-логистика ўзаро боғлиқлигини ривожлантиришга доир ёндашувларни ишлаб чиқиш учун нуфузли платформа мақомини сақлаб келмоқда.

► Давоми 2-бетда

Муносабат

ЮКСАК ЭЪТИБОР ХАЛҚИМИЗНИНГ МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИДА НАМОЁН БЎЛАДИ

Ҳақиқатан шундай. Зотан, эзгу туйғулар инсоннинг мурғак қалбига гўдақлик кезларидаёқ она аллоси орқали сингиб боради, кейинчалик эса куй-қўшиқлар, ашғор ва бадий сўз санъати воситасида янада мустаҳкамланиб, қалбимизда чуқур илдиэ отади. Мана шу маънавий асос инсоннинг дунёқараши ва эътиқодини шакллантиради, уни юртига садоқат ва эзгулик руҳида тарбиялайди.

Шу боис, Президентимизнинг маданият ва санъат соҳаси вакиллари билан учрашуви ҳамда соҳанинг бир гуруҳ фидойи вакиллари давлат мукофотлари билан тақдирлаш маросими менда чуқур ва ёрқин таассурот қолдирди. Чунки бу мулоқот юқорида қилган маънавий пойдеворни янада мустаҳкамлаш, инсон қалбига таъсир этувчи санъат ва адабиётни ривожлантириш йўлидаги навбатдаги муҳим қадамдир.

Бу учрашувни оддий расмий йиғилиш эмас, балки мамлакатимизда маънавий тараққиётнинг янги босқичини белгилаб берган, миллий руҳ ва ижодий муҳитни янада юксалтиришга қаратилган тарихий мулоқот сифатида қабул қилдим. Боиси, бу ерда нафақат соҳадаги ютуқлар сарҳисоб қилинди, балки келажак учун катта мақсад ва вазифалар ҳам белгилаб берилди.

Бугун дунёда инсон онги ва қалби учун кураш тобора кучайиб бораётган бир даврда яшаймиз. Бундай вазиятда китоб, театр, кино, музыка ва адабиёт жамиятнинг маънавий иммунитетини шакллантирадиган энг таъсирчан восита экани алоҳида аҳамият касб этади. Шу маънода, маданият ва санъат соҳасига берилётган эътиборни юртимиз келажакда қаратилган стратегик инвестиция сифатида баҳолаш мумкин. Нега? Чунки айнан шу соҳа орқали миллиятнинг маънавий қиёфаси яратилади, ёш авлоднинг дунёқараши шаклланади ва жамиятнинг интеллектуал салоҳияти юксалади. Шунинг учун маданият муҳит қанчалик бой ва ранг-баранг бўлса, жамиятнинг барқарорлиги ва тараққиёти шунчалик мустаҳкам бўлади.

► Давоми 2-бетда

КАСБИЙ ТАЪЛИМ Тараққиётимизнинг инсон капиталига таянган кучи

Бугун касбий таълим ҳақида сўз юритиш — фақат ўқув муассасалари, ўқув режалари ёки дипломлар ҳақида гапириш эмас. Бу, аввало, янги иқтисодиёт учун рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, ҳудудларда барқарор иш ўринларини кўпайтириш, ёшларни муносиб меҳнатга олиб кириш ва мамлакат тараққиётини инсон капитали орқали таъминлаш масаласидир.

Янги Ўзбекистон тараққиётининг бугунги босқичида энг муҳим саволлардан бири бундай: иқтисодиётимиз тез суръатда ривожланаётган, санаят, хизмат кўрсатиш, қурилиш, транспорт, энергетика, аграр тармоқ ва рақамли технологиялар соҳасида янги касбий талаблар шакллана-

ётган бир пайтда меҳнат бозори учун зарур амалий кўникмага эга мутахассисларни ким ва қандай тайёрлайди? Бу саволга энг тўғри ва ҳаётий жавоб касбий таълим тизими орқали берилади.

► Давоми 5-бетда

Камбағалликдан фаровонлик сари

ЎЗГАРИШЛАР МЕЗОНИ: МЕҲНАТ, ТАШАББУС ВА НАТИЖА



Жорий йил 24 апрель куни давлатимиз раҳбари раислигида биринчи чорак кўрсаткичларини тармоқ ва ҳудудлар кесимида танқидий таҳлил қилиш ва йилнинг қолган даврида қилинадиган ишлар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтган эди. Унда ҳудудларда ханузгача ички имкониятлар тўлиқ ишга солилмаётгани, берилаётган преференциялар ва ресурслардан фойдаланилмаётгани, бу эса ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ўсишига салбий таъсир кўрсатаётгани таъкидланганди.

► Давоми 4-бетда

Президент ташрифидан сўнг



"КАРКИДОН" КЎРКИ САЙЁҲЛАРНИ РОМ ЭТМОҚДА

Фарғона вилоятининг шимоли-шарқий қисмида жойлашган "Каркидон" сув омбори атрофидаги минглаб гектар майдон асрлар давомида кўпнинг эътиборидан четда қолди. Туя ўрқачли поёнсиз кенгликлар, тош-шағалдан иборат, кўз илғамас дала-даштлар қаровисиз, кимсасиз эди...

Янги Ўзбекистонда сайёҳликни ривожлантиришга қаратилган ҳаётбахш лойиҳалар бу ерда янги имконият эшикларини очди. Президентимиз Фарғона вилоятига навбатдаги амалий ташрифи давомида ушбу масканда бўлиб, эзгу мақсад ижобати йўлида қилинган улкан ишларни

алоҳида эътироф этди. Янги туризм мажмуаси Фарғона водийсида ёзги дам олиш, экотуризм ва фаол ҳордиқ чикариш учун энг жозибдор манзиллардан бирига айланишига ишонч билдирди. Бу бежиз эмас, албатта.

► Давоми 6-бетда

ЎЗБЕКИСТОН САНКТ-ПЕТЕРБУРГДАГИ ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ФОРУМДА ЎЗИНИНГ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ САЛОҲИЯТИНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ

Бошланиши 1-бетда

Форумнинг замонавий кун тартиби рақамли трансформация ва юқори технологиялардан тортиб, энергетика, инфратузилма ҳамда барқарор иқтисодий ривожланишга бўлган кенг қўламли йўналишларни қамраб олади.

Ўзбекистон Президентининг халқаро иқтисодий форумдаги иштироки мамлакатнинг ташқи иқтисодий манфаатларини илгари суриш, инвестицияларни жалб этиш ва халқаро ишбилармонлик алоқаларини кенгайтиришнинг муҳим омилли сифатида қаралмоқда.

Ташриф доирасида Ўзбекистон Президенти форум ялпи мажлисида нутқ сўзлаши, шунингдек, қатор икки томонлама учрашув ва музокаралар ўтказиши кўзда тутилган.

Форум истиқболли инвестициявий ташаббусларни илгари суриш, саноят кооперацияси ва транспорт-логистика имкониятларини кенгайтириш, Ўзбекистоннинг шаклланаётган Евроосиё иқтисодий маконидаги ўрнини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон делегацияси кун тартибда мамлакатимизни стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари боғлаб турган Россия билан кўп қиррали алоқаларни ривожлантириш алоҳида ўрин эгаллайди. Икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар 1992 йил 20 мартда ўрнатилган.

Кейинги йилларда икки томонлама ҳамкорликнинг мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий базаси, жумладан, 2004 йилги Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, 2005 йилги Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ҳамда 2022 йилги Кенг қамровли стратегик шериклик тўғрисидаги декларация шакллантирилди.

Олий даражадаги мунтазам мулоқотлар сиёсий мулоқотнинг юқори даражасидан ва икки томонлама муносабатларнинг изчил ривожланиш бораётганидан далолат беради. Икки мамлакат ҳукуматлари, парламентлари, ташқи сиёсат идоралари, ҳудудлари ва

ишбилармон доиралари ўртасидаги ҳамкорлик фаол мустаҳкамланиб бормоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия, ҳукумат раҳбарлари даражасидаги кўшма комиссия ҳамда Россия — Ўзбекистон минтақаларо форуми амалий ҳамкорликнинг муҳим механизми бўлиб хизмат қилади. Бу форматлар савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, кўшма лойиҳаларни илгари суриш ва ҳудудларо ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик сўнгги йилларда барқарор ижобий ўсиш суръатини намойён этмоқда ва икки томонлама ҳамкорликнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Икки мамлакат ўртасида эркин савдо режими амал қилади, бу эса ўзаро товар айирбошлаш, сармовий ҳамкорлик ва саноят кооперациясини изчил кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

2025 йил якунларига кўра, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 8,5 фоизга ўсиб, 12,9 миллиард долларни ташкил этди. Бунда экспорт 4,3 миллиард, импорт эса 8,6 миллиард долларга етди. 2026 йилнинг январь-апрель ойларида ўзаро савдо ҳажми 4,5 миллиард долларни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичдан 35 фоизга кўпдир.

Сармовий ҳамкорлик икки томонлама алоқалар тизимида муҳим ўрин эгаллайди. Кўшма лойиҳаларнинг жорий портфели 43,9 миллиард долларга баҳоланмоқда. Кон-металлургия, ёқилги-энергетика, кимё, аграр соҳа, машинасозлик ва тўқимачилик тармоқлари устувор йўналишлар сирасига кирилади.

2026 йил 1 май ҳолатига кўра, Ўзбекистонда Россия сармоясини иштирокидаги 3,2 мингдан ортиқ корхона фаолият юритмоқда. Бу Россия бизнесининг юқори даражадаги ишбилармонлик фаоллигини ҳамда икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдорлигини акс эттиради.

Шу билан бирга, томонлар транспорт-логистика соҳасидаги ўзаро боғлиқликни кенгайтириш ва янги кооперация занжирларини

шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Петербург халқаро иқтисодий форуми доирасида кўшма юқори технологияли ишлаб чиқаришларни илгари суриш, сармовий лойиҳаларни амалга ошириш ва янги транспорт йўлакларини ривожлантиришга алоҳида ургу берилиши кутилмоқда.

Шу нуқтан назардан, халқаро иқтисодий форум ишбилармон доиралар ўртасидаги амалий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, истиқболли ташаббусларни илгари суриш ва иқтисодий ҳамкорликнинг янги йўналишларини ишлаб чиқишга самарали механизм вазифасини ўтайди.

“ Анъанавий тарзда Петербург халқаро иқтисодий форуми кўп томонлама ҳамкорлик ва халқаро алоқаларни ривожлантириш учун ҳам муҳим майдон бўлиб хизмат қилади. Турли давлатлар, халқаро ташкилотлар ва етакчи ишбилармон доиралар вакилларининг иштироки Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий манфаатларини янада кенгроқ илгари суриш учун кўшимча имкониятлар яратяди.

Ўзбекистон делегациясининг Петербург халқаро иқтисодий форумидаги иштироки ўзаро манфаатли Ўзбекистон — Россия стратегик шериклигини янада кенгайтиради, кўшма сармовий ташаббусларни илгари суришга ва иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга кўшимча туртки беради.

“Дунё” АА

ҒАРОЙИБ КҮН ҲАЙРАТИ

2026 йил 28 май куни қизик воқеа рўй берди. Қутилмаганда Президентимизнинг “Маданият, санъат ва адабиёт соҳалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармонида кўра, “Шухрат” медали билан тақдирланганим ҳақида хабар келиб қолди. Қизиғи, исмиим ҳам Шухрат.

Бу ёғи, ўша кун туғилган куним ҳам эди. Нафақат мен, бир оиладан уч киши бир санада туғилганмиз денг. Қолаверса, бу йилги шукрона кунларимиз Курбон ҳайитига тўғри келган, қариндош-уруғ тўқин дастурхон атрофида жамулжам эди. Ҳамма табриқлай бошлади. Қарасам, чиндан ўз исмиим билан аталувчи медаль билан тақдирланганим.

Ёлғиз отнинг чанги чиқмайди, дейдилар. Ўттиз йиллик журналистик фаолиятим мобайнида Денов туманидаги “Чагонён”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ва 2023 йил 1 январда Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган “Jadid” газеталарида ким билан елкама-елка ишлаган бўлсам, барчасининг бу мукофотда ўз улуши бор. Айниқса,

раҳматли устозим Зойир Мамажоновнинг ҳассос ҳиссасини эътироф этмасам бўлмайди. У сурхондарёлик забардаст адиб ва шоирларимиз ўзига устоз деб билган Теша Сайдалиев, Менгзие Сафаровдек воҳадшо адибларнинг муносиб издоши эди. Катта авлод вакили сифатида улар бугунги ўзбек адабиёти ва журналистикасида ўз ўрнига эга бўлган кўп-кўп ижодкорларга устозлик қилганини кўпчилик билмайди.

Президентимиз фармони билан танишар эканман, мукофотланганлар орасида ёш ижодкорлар кўплигига ишонч ҳосил қилдим. Нафақат ёш авлод, ўрта ва кекса авлод вакиллари қаторида бир гуруҳ марҳум маданият, санъат ва адабиёт соҳалари вакиллари ҳам тақдирланганидан



Шухрат АЗИЗОВ, шоир, “Шухрат” медали соҳибиди

хурсанд бўлдим. Инсон қадр-қиммати, эл-юрт равнақи йўлида қилинган хизматлар эъзозланаётганидан, миллатнинг тарихий хотирасига ҳар қачонгидан кўпроқ ҳурмат-эҳтиром кўрсатилаётганидан руҳландим. Қилинган хизматлар ерда қолмаслигини, юк кўтарган, албатта, қачондир юзага чиқишини ҳис этдим.

Оилам, қавму қариндошларим, ҳамкасбларим, ҳатто марҳум устозларим руҳини шод қиладиган сийловдан бошим кўкка етди. Ҳаммадан ҳам кўпроқ ота-онамга бир олам қувонч ҳада этган Президентимизга, севинчимга шерик бўлган барчага ўз миннатдорлигини билдираман.

Дилдаги гаплар

1 июнь куни Президентимизнинг маданият ва санъат соҳаси вакиллари билан ўтказилган учрашувини ижтимоий тармоқлар орқали диққат билан кузатиб бордим. Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида маданият ва санъат халқ маънавияти, жамият тафаккури ва ёшлар тарбиясида бекиёс ўрин тутишини таъкидлади. Бугун дунёда инсон онги ва қалбини эгаллаш учун кураш кучайиб бораётгани, бундай шароитда китоб, театр, кино, мусиқа ва адабиёт жамиятнинг маънавий иммунитетини мустаҳкамлайдиган энг таъсирчан воситалар экани қайд этилди.



Жамолиддин ХОТАМИЙ, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси

Учрашувга тайёргарлик жараёнида ижодкорлар билан мулоқот қилинган, маданият ва санъат объектидаги ҳолат

МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ САҚЛАБ ҚОЛИШДА ИЖОДКОРЛАРНИНГ ЎРНИ БЕКИЁС


ўрганилгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбари бугунги мулоқот соҳадаги муаммоларга ечим топиш, адабиёт, маданият, санъат ва креатив иқтисодиётда янги муҳит яратишга қаратилганини билдирди. Аввало, ижодкорларни рағбатлантириш ва ёш истеъодларни қўллаб-қувватлаш бўйича янги тизим жорий этилиши белгиланди.

Дарҳақиқат, юрт тараққиёти фақат иқтисодий кўрсаткичлар, янги қурилишлар ёки технология ютуқлар билан белгиланмайди. Жамиятнинг маънавий қиёфаси, маданий савияси ва миллий ўзлигини сақлаб қолишда ижодкорларнинг ўрни бекиёс. Шу маънода, натижа кўрсатган ижодкорларни рағбатлантириш, уларнинг меҳнатини муносиб қадрлашга қаратилган янги ташаббуслар эътиборга лойиқ.

Тақдиф этилаётган тизимга кўра, ҳар йили Миллий ижодкорлар курултойи ўтказилиб, йил давомида самарали ижод қилган санъат ва адабиёт вакиллари тақдирланади. Бу, аввало, ижод аҳлининг жамиятдаги

МУНОСАБАТ ЮКСАК ЭЪТИБОР ХАЛҚИМИЗНИНГ МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИДА НАМОЁН БЎЛАДИ

Бошланиши 1-бетда



Муножат ЙЎЛЧИЕВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси

Учрашувда билдирилган ташаббуслар, хусусан, 21 та йўналиш бўйича ижодий бирлашмалар ташкил этиш, устоз ижодкорлар ҳамда йирик ташкилот раҳбарларини ҳамраис сифатида жалб қилиш, шунингдек, маҳалладан бошлаб то республика миқёсигача бўлган ижодий танловлар тизимини йўлга қўйиш каби эзгу ишлар, назаримда, соҳада янги, тизимли ва изчил маънавий ислохотлар даври бошланганини яққол намойён этмоқда. Зеро, мазкур ташаббуслар ортда фақат ташкилий ўзгариш эмас, балки ижод аҳли тақдирига, ёш истеъодлар келажагига чуқур эътибор ва ғамхўрлик мужассам.

Энг муҳими, бундай мукамал тизим ёш истеъодларни эрта аниқлаш, ички салоҳиятини очиб бериш ва, асосийси, уларни йўқотиб қўймасдан, тўғри йўлга бошлаш имконини беради. Чунки истеъ-



Муножат ЙЎЛЧИЕВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси

ятда муҳимдир. Бу каби ташаббуслар нафақат ижод аҳлини қўллаб-қувватлаш, балки миллий маданиятимизни янада ривожлантириш, ёш истеъодларни кашф этиш ва тарбиялашда ҳам аҳамиятли.

“ Санъат соҳасида фаолият юритаётган педагог сифатида ишонч билан айта оламаники, бундай ғамхўрлик ва эътибор ёшларимизни янада руҳлантиради, уларни ўз устида тинимсиз ишлаш, изланишга ундайди. Негаки бугунги ёш авлод тиришқоқ, интилувчан. Бир сўз билан айтганда, замон билан ҳамнафас.

дод ўз-ўзидан шаклланмайди. У эътибор, йўл-йўриқ ва тўғри тарбия орқали камол топади. Агар биз, катта авлод вакиллари иқтидорли ҳар бир ёшга ўз вақтида эътибор қарата оласак, албатта, келажақда юртимиз санъати ва маданияти янада юксалади.

Айниқса, ҳар йили Миллий ижодкорлар курултойини ўтказиб бориш, энг яхши ижодий ютуқларни эътироф этиш, муносиб ғолибларни рағбатлантириш ҳамда уларнинг асарларини кенг жамоатчиликка етказиш каби ташаббуслар жуда катта аҳамиятга эга. Менимча, бу каби анжуманлар ижодкор учун нафақат баҳолаш майдони, балки катта руҳий қувват ҳам беради.

Чунки ижодкор ўз меҳнати қадрланганини ҳис этса, янада иштиёқ билан иزلанади, янги асарлар яратишга интилади. Шу билан бирга, бундай тадбирлар жамиятда ҳам санъатга қизиқишни ошириб, маънавий муҳитни янада бойитади.

Шу ўринда ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган изчил ислохотлар ва қабул қилинаётган қарорлар чинакам эътибор ва юксак ғамхўрлик намунаси эканини таъкидлаш жоиз. Ижодкорлар меҳнатини қадрлаш, уларга муносиб шароит яратиш борасидаги ишлар бугунги кунда нафақат моддий қўллаб-қувватлаш, балки маънавий рағбатнинг ҳам янги босқичга кўтарилганини яққол намойён этмоқда.

Жумладан, ижодкорларга ҳар ойлик гонорорлар тўлиниши, уларни замонавий транспорт хизматлари билан ташминлаш, зарур ҳолларда тиббий кўмак кўрсатиш тизими йўлга қўйилиши, шунингдек, ижод уйлари ва мажорат мактаблари ташкил этилиши каби имкониятлар унинг эркин рақобат муҳитини шакллантириши мумкин.

Айниқса, совриндорларга ҳар ой қалам ҳақи берилиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки кўп-кўп истеъодли ижодкорлар моддий қийинчиликлар сабабли ўз салоҳиятини тўлиқ намойён эта олмайдди. Доимий рағбат

Шахсан мен бу ислохотларни юртимизда санъат ва маданиятга бўлган юксак ҳурматнинг ёрқин ифодаси деб биларман. Бу эътибор ижодкорларни янги асарлар яратиш, халқимизнинг маънавий дунёсини бойитиш йўлида янада илҳомлантиради.

Мулоқотда қалбимни тўлқинлантирган яна бир муҳим жиҳатга тўхталиб ўтмоқчиман. Ёш истеъодларга эътибор ва ғамхўрлик масаласида жуда катта мақсад ва вазифалар белгиланди. Биз ёшларимизда бундай имкониятларни, хусусан, хориджа таҳсил олиш, замонавий ижод мактаблари ва янги тажрибалар билан ақиндан танишиш каби шароитлар ҳақида фақат орзу қилардик, холос. Ҳозир эса бу имкониятлар реал ҳаётга айланди. Ёшлар учун кенг имкониятлар дунёни очиб, бу чин маънода қувонарли ҳолидир.

Ҳар йили юзлаб иқтидорли йигит-қизлар хоржий мамлакатларда ўқиб келаётгани уларнинг дунёқароши кенгайишга, замонавий билим ва тажрибаларини эгаллашга хизмат қилмоқда. Айниқса, “Ижодга инвестиция” жағғармаси ташкил этилиши ёшлар тақдирига, уларнинг истеъодига юксак эътиборнинг амалий ифодаси бўлди, десак адашмаймиз.

Санъат соҳасида фаолият юритаётган педагог сифатида ишонч билан айта оламаники, бундай ғамхўрлик ва эътибор ёшларимизни янада руҳлантиради, уларни ўз устида тинимсиз ишлаш, изланишга ундайди. Негаки бугунги ёш авлод тиришқоқ, интилувчан. Бир сўз билан айтганда, замон билан ҳамнафас.

Устоз ва шогирд аънанаси қайтадан мустаҳкамланаётгани айтиш мудоаодир. Чунки истеъод қанчалар кучли бўлмасин, устоз тарбияси ва йўл-йўригисиз тўлиқ камол топа олмайдди. Бугунги имкониятлар

эса айнан ана шу устозлик мактабларини янада жонлантириб, ижодий муҳитни бойитишга хизмат қилмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, ҳар бир бадий асар, хоҳ кўшиқ, хоҳ мусиқа ёки адабий ижод маҳсули бўлсин, аввало, ўз муаллифига ҳалол ва реал даромад келтириши керак. Буни ижодкор тақдирини билан боғлиқ энг муҳим масалалардан бири деб биларман.

Чунки ижод шунчаки меҳнат эмас, балки қалбда яшувчан руҳий кечинмалар, йиллар давомида тўпланган тажриба ва изланишлар самарасидир. Ана шу меҳнатга муносиб ва адолатли баҳо берилиши, ижодкор ўз асаридан фойда кўриши ниҳоятда муҳим.

Шу нуқтан назардан қараганда, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизимини кучайтириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири сифатида кун тартибига чиқмоқда. Агар ижодкор ўз асари ҳимояланганини, меҳнати қадрланаётганини ҳис этса, у янада катта иштиёқ ва маъсулият билан ижод қилади. Шу боис, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш борасидаги фикрларни тўла қўллаб-қувватлаш.

Атрофимизда ахборот ва маълумотлар шунчалик кўпки, улар орасида инсон онгини салбий ўзига бурбоб юборишга қаратилгани ҳам талайгина. Яъни глобал маконда ахборот хуржурлари соат сайин кучайиб бормоқда. Бундай шароитда унга қарши туришининг ягона йўли маънавий иммунитетни шакллантиришдир. Бу эса театр, кино, бадий асарлар орқали шаклланади ва сайқал топади.

Табиики, асарлар ҳам маънавий озуқа берадиган даражада залворли бўлиши лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда мулоқотда давлат буюртмалари асосида янги асарлар яратиш, хусусий театрларни қўллаб-қувватлаш, кино соҳасини халқаро майдонга олиб чиқиш каби вазифалар қўйилди.

Айниқса, театр соҳасида кузатилаётган ижобий ўзгаришлар, саҳна асарларига талаб ортиниш ва томошабинлар кўпайиши ушбу соҳадаги ислохотлар тўғри йўналишда эканини кўрсатмоқда. Бинобарин, Президентимиз таъкидлаганидек, қайси миллатнинг адабиёти бой, мусиқаси юракка яқин, театри ҳаётини ва киноси таъсирчан бўлса, ўша миллатнинг овози дунёда баланд янрайди. Бу фикр ҳар бир ижодкор учун катта масъулият ва шу билан бирга улкан шарафдир.

Бугун юртимизда маданият ва санъатга муносабат чин маънода бутунлай янги босқичга кўтарилди. Ижод аҳлига кўрсатилаётган юксак эътибор, уларнинг ижтимоий ҳимояси ва касбий камолоти учун яратилаётган кенг имкониятлар янги Ўзбекистоннинг маънавий қиёфасида ёрқин аксини топмоқда.

Шу маънода, давлатимиз раҳбарига бу эзгу сиёсат учун самимий миннатдорлик билдиришмоқчиман. Чунки айнан Президентимиз ташаббуси ва ғамхўрлиги тўғрисидаги ёш авлоднинг қадр топаётганини, унинг сўзи ва ижоди жамият учун керак эканини ҳис этиб яшамоқда. Бу эса энг катта рағбат ва ишончдир.

Аминманки, ана шундай эътибор ва ғамхўрлик бардавом бўлади ва натижада миллий маданиятимиз янада юксалади, ижодий муҳит янада бойиши, халқимизнинг маънавий дунёси эса мустаҳкамланиб бораверади.

топган ижодкорларни қўллаб-қувватлаш билан бирга эндигина ижод майдонига кириб келаётган истеъод эгаларига ҳам имконият яратиш керак.

Учрашувда жуда кўп ижобий тақдирлар илгари сурилди. Ижодкор журналист сифатида каминани гоат тўлқинлантирган ва қувонтирган жиҳат шу бўлдики, энди ижодкорларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам қатор имтиёзлар белгиланди. Ҳар йили минг нафар шоир ва ёзувчи, маданият ва санъат вакили, музей ходими ва рассомларга уй-жой олиш учун ипотека кредити дастлабки тўловининг 50 фоизи қўллаб берилди. Бошқа ҳудуддан келиб ишлаётган соҳа вакилларига уй-жой ижараси харажатлари учун Тошкент шаҳрида ойига 2,5 миллион сўмгача компенсация тўланади.

Умуман олганда, ушбу йўналишда қабул қилинган қарор ижодкор меҳнатини қадрлаш, миллий маданият ва адабиётнинг ривожлантириш йўлида ташланган муҳим қадам. Ижодкорнинг қадри баланд бўлган жамиятда маънавият ҳам юксалади, миллий қадриятлар мустаҳкамланади. Энг муҳими, бу каби эътибор ва рағбат янги асарлар, истеъодлар, қолаверса, янги ютуқлар юзага келишига замин яратяди. Демак, ижодкорни қўллаб-қувватлаш аслида миллатнинг маънавий келажагига инвестиция киритишдир.

ФИДОЙИЛИК КҮН ТАРТИБИ:

ёхуд “РИЁСИЗ СЎЗЛАР” ҳамда “МИЛЛАТ ШАВКАТИ” да

АКС ЭТГАН КЕЧА ВА БУГУН ТАҲЛИЛИ



Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бошланиш 1-бетда

Оддий ўқитувчи Бокжон Акрамов урушга сафарбар этилган, жанлардан бирида асир олинган ва концлагерга жўнатилган. 1942 йил июлда у 2000 асир билан бирга Жерси оролига олиб келиниб, ер ости туннеллар қурилишига жалб этилган. Узоқ давом этган оқлик ва оғир синовларга қарамай, асирликдан қочишга муваффақ бўлган.

Ле Бретонлар оиласи эса қочқин аскарга ўз уйдан бошлана бериб, уни деврли уч йил фашистлардан яшириб келган. 1945 йил майда Бокжон Акрамов ўз Ватани — Ўзбекистонга қайтиб келган. Иккинчи жаҳон уруши даврида содир бўлган ушбу воқеа орадан 80 йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, халқлар ўртасидаги инсонийлик ва ўзаро меҳр тими-соли сифатида қадрланмоқда. Мамлакатимизнинг юксак давлат мукофоти марҳум оиланинг Жерси оролида истиқомат қилаётган фарзандлари — Далси ва Алан Ле Бретонларга тантанали равишда топширилди.

Иккинчи жаҳон урушининг аччиқ тарихи, у олиб келган мислсиз кулфат ва мусибатлар инсоният хотирасидан ўчгани йўқ. Аксинча, бу муҳаддас ҳақиқат билан тинчлик ва осойишталик нақадар бебаҳо неъмат эканини доимо эслайтиб туради.

Ўзбекистон Президенти 8 май кунини пойтахтимиздаги Галаба боғига ташриф буюриб, сана муносабати билан ташкил этилган хотира маросимида иштирок этди. Давлатимиз раҳбари боғдаги “Миллат фидойилари” хабонида ҳам бўлиб, мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳимояси йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчи ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

— Бир йил олдин мана шу ҳудудда “Миллат фидойилари” мажмуасини барпо этганимиз, албатта, бежиз эмас. У Ватан ҳимояси ҳар бир авлоднинг муқаддас иши экани, ватанпарварлик аънаналари давомийлигини эслайтиб туради, — деди Президентимиз.

Шу кунини Президентимиз Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийларини зиярат қилиб, байрам билан табрикларни. Куролли Кучлар Бош ҳарбий клиник госпиталида Акмал ота Акрамов, Вера Журавская, Ҳасанов ота Даллатов ва Владимир Алексеев билан дилдан сўзлашди. Нурунийларнинг ҳор-аҳоли ва саломатлиги билан қизиқди. Уларнинг машаққатли ҳаёт йўли ҳамда кўрсатган жасоратларини алоҳида эътибор этди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон халқига байрам табриги йўлади. Унда янги Ўзбекистонда инсон қадрини улуғлаш, хусусан, уруш ва меҳнат фахрийлари, кекса авлод вакилларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг соғлом ва мазмунли ҳаёт кечириши учун зарур шароит яратишга қаратилган ишлар изчил давом эттирилиши белгиланди.

Ўзбекистон етакчиси 9 май кунини Москва шаҳрида Иккинчи жаҳон урушидаги галабанинг 81 йиллигига бағишланган тантанали тадбирларда иштирок этди.

Савдо, иқтисодиёт, инвестиция ва экология

Қозғоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг тақдирини буюрган мамлакатимиз етакчиси 15 май кунини амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди. Туркистон шаҳрида Туркий давлатлар ташкилотининг “Сунъий интеллект ва рақамли ривожланиш” мавзусидаги норасмий саммитида иштирок этди. Ингилишда савдо-иқтисодиёт, инвестиция, транспорт-коммуникация ва экология соҳаларида минтақавий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Президентимиз саммитда иштирок этди. Кўп қиррали муносабатларга тизимли тус бериш бўйича олдинда доллар вазифалар турганини қайд этди. Қолаверса, саммитнинг сунъий интеллект ва рақамли ривожланиш мавзусига бағишлангани ҳам бежиз эмас.

— Улкаларимизда яшаб ижод қилган улуг боболаримиз — Муҳаммад Ҳоразмий, Аҳмад Фароний, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улугбек алгоритм, математика, астрономия ва физика фанлари раванқида бекиёс ҳисса қўшиб, шу тариқа ҳозирги сунъий интеллект ривожига учун асос яратганлар. Биз аждола-

римизнинг ана шундай бебаҳо меросига таяниб, бутун Туркий дунёнинг янги рақамли тараққиёт даврини барпо этишимиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз ушбу йўналишда ҳамкорликни ривожлантириш учун қатор аниқ ташаббусларни илгари сурди. Тадбир якунида Туркистон декларацияси қабул қилинди.

Амалий ташриф доирасида мамлакатимиз етакчиси Қозғоғистон раҳбари билан бирга Туркистон шаҳридаги янги масжид билан танишди. Ўзбекистон томонидан бунёд этилган мажмуанинг умумий майдони 7 гектардан зиёд. Унда 5000 дан ортиқ киши намоз ўқиши мумкин. Муҳташам ансамбль тўртта 70 метрли минора ҳамда асосий зал ва анъанавий айвонларни қамраб олган уч қаватли бош бинодан иборат.

Туркий давлатлар ташкилотининг норасмий саммити доирасида давлатимиз раҳбари Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган билан учрашув ўтказди. Самимий мулоқотлар давомида олиёғарада эришилган муҳим келишувлар ижроси юзасидан фаол мулоқот ва алмашинувлар давом этаётгани, вазирлик ва идоралар ўртасида янги тизим яратилгани натижада кўп қиррали ҳамкорлик алоқалари самарали ривожланаётгани қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Қозғоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг тақдирини буюрган мамлакатимиз етакчиси 29 май кунини ушбу мамлакатга иккинчи бор ташриф буюрди. Мамлакатимиз етакчиси Остона шаҳрида Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг навбатдаги йиғилиши тадбирларида кузатувчи давлат раҳбари мақомида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Президентимиз нутқининг аввалида ЕОИИ мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил равишда кенгайтириш ва чуқурлаштириш мамлакатимиз ташқи иқтисодий сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолаётганини таъкидлади. ЕОИИ давлатлари билан ўзаро ҳамкорлик комплекс иқтисодий шериклик тусини олганини билдирди.

Жорий йилда Евроосиё иқтисодий комиссияси билан уч йиллик ҳамкорлик режасини амалга ошириш якунига етаётгани билдирди. Шу муносабат билан куз фаслида Тошкент шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган Евроосиё иқтисодий комиссияси билан қўшма ишчи гуруҳнинг навбатдаги йиғилиши доирасида янги режани қабул қилиш тақдирини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон кооперация бўйича “ягона дарча” форматига Евроосиё иқтисодий комиссияси билан ҳамкорликда шерикларни танилтириш, эркин саноат зоналар негизинда ташаббусларни қўллаб-қувватлайдиган, молиялаштиришни жалб этишга кўмаклашадиган қўшма лойиҳа офисини очишга тайёрлигини билдирди.

— ЕОИИ давлатларидан келадиган юқори технологияли резидентлар учун қўшимча рабатлантирувчи шароитларни ишлаб чиқишга тайёриймиз, — деди Ўзбекистон Президенти.

Энергия самардорлигини ошириш, тоза технологияларни жорий этиш ва маҳсулотларнинг углерод снгимини камайтиришга қаратилган Саноатни “яшил”



давлатларини маъзур туризм йўналишини оммабоп рақамли платформаларда бириктиришга қаратилган зуваласи пишиқ мақолаларга бой бўлди.

Ҳар қачонгидан ҳам долзарб масала

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг тақдирини буюрган мамлакатимиз етакчиси 17-18 май кунлари амалий ташриф билан Боку шаҳрида бўлди. БМТ-нинг Аҳоли пунктлари бўйича дастури шафелида ўтказилган Бутунжаҳон урбанизация форуми 13-сессиясининг Етақчилар саммитида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Форумда шаҳарларни барқарор ривожлантириш, аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш, шаҳар муҳити сифатини ошириш, иқлим барқарорлиги ва уй-жойни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон етакчиси форумнинг “Барча учун уй-жой: хавфсиз ва барқарор шаҳарлар ҳамда ҳамжамиятлар” мавзуси жадал урбанизация шароитида бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Таҳлилларга кўра, XXI аср ўрталарида бориб, сайёрамиз аҳолисининг қарийб 70 фоизи шаҳарларда истиқомат қилади. Давлатимиз раҳбари урбанизация жараёнининг жадаллашуви ижтимоий муаммоларини ҳам қучайтираётганини қайд этди.

— Оддий қилиб айтганда, урбанизация жараёнида глобал барқарорлик ва хавфсизликка тўғридан тўғри таъсир кўрсатуви жиддий омилга айланмоқда, — деди Шавкат Мирзиёев.



Ўзбекистон Президенти қатор халқаро ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, кичик ва ўрта шаҳарларни уйғун ривожлантириш мақсадида “мутаносиб урбанизация” тамойилларини кенг жорий этишга қақарди. Халқаро “Ақлли ва хавфсиз шаҳарлар альянси”ни ташкил этиш ташаббусини билдирди. Туизмла шаҳар бошқарувини рақамли трансформация қилиш соҳасида технологиялар, стандартлар ва энг яхши тажрибалар билан алмаштириш учун платформа вазифасини бажарди.

Ёшлар ва аҳолининг эҳтиёжидан қайт-қайтламли сифатли ҳамда арзон уй-жойлар билан таъминлаш мақсадида 2027 йилда Самарқанд шаҳрида уй-жой қурилишига молия ва инвестицияларини жалб этишдаги янги чендашувлар юзасидан халқаро форум ўтказишга тақдир қилинди. Экологик барқарор шаҳарларни ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида БМТ-Ҳабитатнинг “Яшил шаҳар” халқаро мукофотини таъсис этиш ҳам яна бир муҳим ташаббус бўлди.

Шунингдек, Ўзбекистон Президенти Бутунжаҳон урбанизация форумининг 15-сессиясини 2030 йилда Янги Тошкент шаҳрида ўтказишни ва унинг бош мавзусини “Шаҳарларнинг барқарор ривожланишида маҳалла институтининг ўрни” деб номлашни тақдир қилди.

Боку шаҳрига амалий ташриф доирасида давлатимиз раҳбари Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев, Сербия Республикаси Президенти Александр Вучич, БМТ Бош қотибининг ўринбосари, БМТнинг Аҳоли пунктлари бўйича дастури (БМТ-Ҳабитат) ижрочи директори Анаклюдия Россбах билан учрашув ўтказди.

Ғамхўрлик ва инсонпарварлик ифодаси

27 май кунини дунё мусулмон олами муборак Курбон ҳайити байрамини нишонлади. Шу муносабат билан 20 майда Президентимиз “Муборак Курбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги қарорини имзолади ҳамда сана арафасида Ўзбекистон халқига байрам табриги йўлади.

Қарорда мамлакатимизда ижтимоий давлат барпо этиш, юртдошларимиз ўртасида меҳр-оқибатни кучайтириш, ёрдамга муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлаш, ҳеч кимни меҳр ва эътибордан четда қолдирмаслик борасида бу байрамнинг безавол аънаналари биз учун куч-ғайрат ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилиши қайд этилиб, халқимизнинг байрамни мазмунли ўтказиши учун қўшимча дам олиш кунари белгиланди.

Табриқда эса тинчлик, меҳр-оқибат ва саноат байрами — Ийд ал-Адха муқаддас динимиз моҳиятида муҳасам бўлган эзгу гоя ва амалларни яққол ифода этган ҳолда, ҳозир мамлакатимизда инсонпарварлик руҳидати кенг қўламини ислохотларимизнинг маъно-маънумини уйғун ва ҳамдоғон экани билан барчамиз учун янада азиз ва қадрли бўлиб бораётгани таъкидланди.

“Кўп миллатли юртимизда осойишталик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, ёрдамга муҳтож инсонлар, муҳтарам нурунийлар, хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш, маҳалла ва ҳонадонларни обод қилишга қаратилган ишларимизда Курбон ҳайитининг эзгу аънаналари куч-ғайрат ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлаш лозим”, дейилди табриқда.

Шунингдек, яна бир ҳужжат — “Муборак Курбон ҳайити муносабати билан аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва



меҳр-саховат тадбирларини самарали ташкил этиш тўғрисида”ги қарорда эса халқимизга хос меҳр-оқибат, инсонпарварлик, шукроналик, саховат ва бағрикенглик каби эзгу фазилатларни мужассам этган муборак Курбон ҳайити кунлари аҳолини давлат томонидан қўшимча қўллаб-қувватлаш мақсадлари муҳасам.

Жумладан, айрим тонфадаги беморларнинг тиббий текширувдан ўтиш, жарроҳлик амалиёти ва даволаниш харажатларини қоплаш, оғир ва ногиронликни келтириб чиқарувчи касалликларга чалинган 10 минг бола, онкологик, гематологик ва онкогенетологик ташхис қўйилган 2300 беморни жарроҳлик амалиёти орқали даволаш ва бошқа кўплаб йўналишлар назарда тутилди.

Бундан ташқари, Президентимиз 21 май кунини Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий, шайх Нуриддин Холиқназар билан телефон орқали мулоқот қилди. Суҳбат муборак Курбон ҳайити арафасида, юртдошларимиз ҳаж амалларини адо этаётган кўпгина кўнларда бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари муфтий ҳазратлари орқали муқаддас Макка шаҳрида бўлиб турган барча ҳожиларимизни Курбон ҳайити билан самимий табриклар, уларнинг элу юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги, ёшларимизнинг бахту саодати йўлида қилаётган эзгу дуо ва илтижолини қабул бўлишини тилади. Зияратчиларимизнинг саломатлиги ва кайфияти ҳақида сўради, ибодатларини бажариши учун ташкилий ишларнинг бориши билан қизиқди.

Муфтий шайх Нуриддин Холиқназар Макка ва Мадина шаҳарларида зияратчиларимиз учун барча зарур шарт-шароитлар яратилаётгани, ташкилий ишлар ушшоқлик билан ўтаётганини таъкидлади. Бундан қайида шукроналик ҳисси жўшган юртдошларимиз муқаддас жойларда туриб, Яратгандан мамлакатимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлигини сўраб дуолар қилаётганини маълум қилди.

Мамлакат тарихида ёрқин саҳифа очган қаҳрамонлар

Яна бир неча кундан кейин миллионлаб спорт муҳлислари кутган футбол бўйича навбатдаги жаҳон чемпионатидаги старт берилди. 11 июндан 19 июлга қадар давом этадиган ўрт йилликнинг асосий баҳсларида илк бор Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳам иштирок этади. Бугун Ўзбек футбол дунё ареналарида ҳар қандай рақибга муносиб қаршилиқ кўрсата оладиган даражага етди.

Мамлакатимиз етакчиси 22 май кунини футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари, мураббийлар штаби, соҳа фахрийлари ва спорт жамоатчилиги вакиллари билан учрашув ўтказди.

— Футболчиларимизни Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очган замонамиз қаҳрамонлари деб айтасак арзийди. Улар халқимизга олам-олам қувонч бағишлади, — деди давлатимиз раҳбари терма жамоанинг АҚШ, Мексика ҳамда Канада майдонларида ўтказилган жаҳон чемпионатида йўллама олгани халқимиз учун тарихий воқеа бўлганини таъкидлади.

Учрашувда миллий терма жамоа бош мураббийи Фабио Каннаваро бошчилигидаги мураббийлар штаби фаолияти ҳам алоҳида қайд этилди. Президентимиз жаҳон чемпионатида осон ўйин бўлмастлигини, миллий терма жамоа Португалия, Колумбия ва Конго каби кучли жамоаларга қарши майдонга тушишини таъкидлади.

— Эл-юртимиз сизларга ишонади, Президент сизларга ишонади. Боринглари, мардонлар ўйинлар, Ватан шарафини муносиб ҳимоя қилинглари, — деди давлатимиз раҳбари.

Шунингдек, мамлакатимиз етакчиси Ўзбекистон миллий терма жамоасини жаҳон чемпионатида кузатиш маросимида иштирок этди. Юртимизда футбол аллақачон ҳар бир оиланинг дўстига айланганини таъкидлаб, спортчиларимиз эришяётган ютуқлардан руҳланган фарзандларимиз орасидан ҳам келажакда янги чемпионлар етишиб чиқишига ишонч билдирди.

Давлатимиз раҳбари ҳузурида май ойида йигирмадан ортиқ тақдирот ва жорий кун тартибидagi долзарб мавзуларга бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтди. Президентимиз ўнга яқин хоржий нуфузли делегацияларни қабул қилди ва бир қатор хоржий етакчилар билан телефон орқали мулоқот ўтказди.

Бундан ташқари, 29-Евроосиё иқтисодий саммити, Осие хотин-қизларнинг иккинчи форуми, Туркий давлатлар ташкилоти Судьялар кенгашлири раҳбарларининг IV йиғилиши иштирокчиларига, Ахалтака оғлини бўйича “Шарк марвариди — 2026” жаҳон чемпионати голлибатурига ва мамлакатимиз мактабларини биттирувчи ўғил-қизларимизга табрик йўлади.

28 майда Ўзбекистон Президенти “Маданият, санъат ва адабиёт соҳалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармонини имзолади. Унга кўра, ўзининг кўп йиллик самарали илмий-ижодий фаолияти, ёрқин ва бетакор истеъдоди билан халқимизнинг маданий, бадийи ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, миллий маънавиятимизни бойитиш, мамлакатимизда маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини ривожлантириш, асрий аънаналаримиз, бой меросимизни асраб-авайлаш ва янги Ўзбекистонни жаҳон миқёсида тарғиб этишга қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ юртдошларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан мукофотланди.

Шунингдек, “Мамлакатимизда маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган бир гуруҳ марҳум ижодкорларни мукофотлаш тўғрисида”ги фармон ҳам эълон қилинди. Ҳужжат билан инсон қадрини улуғлаш, аждоқлар хотирасига муносиб эътибор кўрсатиш мақсадида бир гуруҳ марҳум ижодкорлар “Буюк хизматлари учун”, “Эл-юрт ҳурмати”, “Фидокорона хизматлари учун”, “Меҳнат шухрати”, “Дўстлик” ордени билан тақдирланди.

П.С. Одатда ой сарҳисоби бағишланган мақолаларимизда давлатимиз раҳбарининг муайян мuddат — бор-йўғи 30 кунлик фаолиятидаги айрим қирраларга тўхталиб ўтамиз. Қадрли муштарийлар учун яна шунинг истадики, май ойида газетамиз саҳифалари Президентимиз ўн йил мобайнида юритаётган халқчил сиёсатнинг туб моҳиятини очиб беришга қаратилган зуваласи пишиқ мақолаларга бой бўлди.

Шулардан иккитасини алоҳида тилга олиш жоиз. Бу Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимнинг “РИЁСИЗ СЎЗЛАР” (12 май, 95-сон) ва сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг “МИЛЛАТ ШАВКАТИ” (21 май, 102-сон) мақоласи. Мустақиллик байрами тобора яқинлашаётган, уни кўтаринки руҳда ўтказиш иштиёқи ҳар бир ватанпарвар юртдошимиз қалбига гурур бахш этаётган айни кезларда миллатимиз оидинлари томонидан битилган юқоридаги икки ва бошқа қатор мақолаларда баён қилинган чуқур мушоҳадалар тафаккуримизни бойитишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Бундан ташқари, 18 май кунини Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш марказида тарихий ва оламшумул ислохотларни кўз олдимизда намоён қиладиган, бир йиллик ютуқларимизни жамланган, аниқроқ айтганда, Президентимизнинг 2025 йилдаги сармаҳсул фаолияти, 24/7 режимида тинимсиз меҳнати, уйқусиз тунар машаққати, халқлар билан қуйиб-ёниш саодати хронологияси ўрин олган асар — “ЮРТ ҚАЙГУСИДА 365 КУН” китоби тақдироти бўлиб ўтди.

Китоб юртимиздаги ислохотларнинг тарихий миқёси, давлат бошқарувидаги янги ёндашувлар ҳамда инсон қадри устувор бўлган тараққиёт моделини акс эттирувчи муҳим сиёсий-ҳужжатли манба сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Уни ўқиш ва уқиб, моҳиятини англаш ва англашти эса барчамиз учун муқаддас масъулиятдир!



Ислоҳот одимлари

Президентимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар биз, депутатлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Халқ вакили сифатида уларнинг ижроси ўз вақтида ва самарали таъминланиши устидан таъсирчан парламент ва депутатлик назоратини ўрнатишимиз лозим.

www.yuz.uz yuz.uznew

Тадбиркорлар — иқтисодийнинг мустақкам устуни, юрт тараққиётининг ишончли суянчи. Улар жамиятга фақат маҳсулот ёки хизмат эмас, балки янгича фикр, изланиш ва бунёдкорлик руҳини ҳам олиб киради.



МУҚОБИЛ СКОРИНГ МОДЕЛИ — ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ЯНГИ ИМКОНИАТ ВА РАҒБАТ



Равшан ФОЗИЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

бизнес субъектлари учун солиқ режимини янада қулайлаштириш, қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилигини соддалаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Мазкур ҳужжат билан 2026 йил 1 июндан бошлаб солиқ солишининг умумбелгиланган тартибига ўтиш учун белгиланган чегаравий миқдор базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн икки минг баравари этиб тасдиқлангани бизнес ўсишини рағбатлантириш ва умумий солиқ режимига ўтиш жараёнини юмшатишга, айниқса, тадбиркорларга фаолиятини янада кенгайтиришга имкон беради.

Албатта, мазкур соҳада қилинаётган ишлар эътиборга молик. Бироқ кичик ва ўрта бизнес субъектларининг молиявий хизматлардан фойдаланишида айрим тўсиқлар ҳануз сақланиб қолаётгани бу йўналишда изчил ва таъсирчан чораларни амалга ошириш заруратини кўрсатмоқда.

Президентимиз кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш ҳамда молиявий хизматлар оммабоплигини оширишга қаратилган таклифлар тақдироти билан танишиш давомида бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, соҳадаги тўсиқларни бартараф этиш, тадбиркорлар учун қулай ва шаффоф молиявий муҳит яратиш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Айниқса, рақамли молиявий платформани ишга тушириш бўйича билдирилган таклиф аниқ мудоао бўлди. Чунки мазкур платформа орқали тадбиркор кредит олиш учун онлайн ариза бериб, бир вақтнинг ўзида бир неча банкнинг тижорат таклифларини қабул қилади ва уларни ўзаро таққослаб, ўзи учун энг маъқул ва қулай шартларни танлаш имкониятига эга бўлади.

Платформа “Электрон ҳуқуқат” тизимининг рақамли маълумотлар базалари билан интеграция қилиниши орқали кичик ва ўрта бизнес субъектларига оид зарур маълумотлар автоматик тарзда шакллантирилиб, банкларга тақдим этилади. Натижада кредит ажратиш жараёнида ҳужжат йиғиш билан боғлиқ ортқча овозгарчилик, вақт сарфи ва инсон омили иштироки сезиларли даражада камаяди.

2026 йил 1 декабрдан бошлаб платформа доирасида сунъий интеллект технологиялари элементларидан фойдаланган ҳолда муқобил скоринг модели жорий этилиши, шубҳасиз, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг

кредит олиш имкониятини кенгайтириш, кредитлаш жараёнини тезкор, шаффоф ва адолатли ташкил этишга хизмат қилади.

Анъанавий скоринг асосан кредит тарихига таянса, муқобил скоринг бизнес фаолиги, коммунал тўловлар, айланмалар, солиқ ва бошқа рақамли маълумотларни ҳам ҳисобга олади. Бу кредит тарихи мавжуд бўлмаган тадбиркорларни ҳам баҳолаш, уларга молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришга туртки беради.

Келгусида сунъий интеллект асосида тадбиркорнинг кредит тарихини яхшилаш, келгусидаги хатларни баҳолаш ва бизнесни ривожлантириш бўйича тавсияларни



шақллантириш имконияти яратилиши тадбиркорлик муҳитининг янада шаффоф, қулай ва самарали бўлишига хизмат қилади.

Тижорат банклари томонидан “AI маслаҳатчи” дастурининг ишга туширилиши, аввало, тадбиркорларга молиявий хизматлардан тез ва осон фойдаланиш имконияти беради. Мазкур дастур орқали тадбиркор кредит олиш шартлари, бизнесини молиялаштириш имкониятлари, тўлов графикаси, кредит юки, молиявий хатлар ва бизнесни ривожлантириш бўйича тезкор тавсиялар олиши мумкин. Бу эса тадбиркорнинг банкка бориб, ортқча вақт сарфлашини камайтиради ҳамда молиявий қарорларни онлиги ва асосли қабул қилишига ёрдам беради.

Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш дастури доирасида ҳам қўшимча энгилликлар белгилаётгани яна бир муҳим янгиллик бўлди. Яъни аввал дастур доирасида микрокредитдан фойдаланган ва ижобий кредит тарихига эга тадбиркорлар учун микрокредитнинг гаровсиз қисми 100 миллион сўмдан 200 миллион сўмгача оширилиши тадбиркорларга қўшимча гаров талабларисиз кўпроқ маблағ жалб этиш, айланма маблағини кўпайтириш, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш ҳажмининг кенгайтириш ҳамда янги иш ўринларини очиш имконини беради.

Кредит ёки лизинг миқдоридан қўлган назар, унинг 5 миллиард сўмгача бўлган қисми учун фонд харажатлари компенсация қилиниши эса тадбиркорларнинг молиявий юкни энгиллаштириш, кредит ва лизинг маблағларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришда қўл келади. Бу имтиёзлар тадбиркорлар учун ишлаб чиқаришни кенгайтириш, замонавий ускуна ва технологиялар харид қилиш, айланма маблағини кўпайтиришда жуда муҳим.

Ҳар йили фаолиятини кенгайтирган ва юқори натижа кўрсатган 100 та тадбиркорлик субъектига рақамлаштириш, халқаро

стандартлар ва “яшил” технологияларни жорий этиш билан боғлиқ харажатлар учун 300 миллион сўмгача грант ажратиш таклифи ҳам қўллаб-қувватлаш имконияти аниқ дилидаги гап бўлди. Зеро, бу таклиф юқори натижа кўрсатаётган тадбиркорларни рағбатлантириш, уларнинг фаолиятини замонавий талаблар асосида кенгайтириш ва рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Президентимиз томонидан кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш, рақамли молиявий платформани ишга тушириш ҳамда сунъий интеллектга асосланган муқобил скоринг тизимини жорий этиш бўйича билдирилган ташаббуслар мамлакатимизда тадбиркорлик муҳитини янада яхшилашга хизмат қиладиган муҳим қадамдир. Зотан, мазкур механизмлар кредит тарихи мавжуд бўлмаган ёки гаров имконияти чекланган тадбиркорлар учун ҳам молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириб, банклар ўртасида соғлом рақобатни кучайтиради, кредит ажратиш жараёнида шаффофлик ва тезкорликни таъминлайди.

Бугун Ўзбекистон бизнес юритиш учун қулай мамлакатга айланиб бормоқда. Шубҳасиз, юртимизда тадбиркорларга янада кенг қулайликлар яратилади, уларнинг эркин ва самарали фаолият юритиши учун барча имкониятлар тўлиқ сафарбар этилади. Бу ўз навбатида, аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликнинг юкни қулоч ёйиши, ишбилармонлар сафи янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Президентимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар биз, депутатлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Халқ вакили сифатида уларнинг ижроси ўз вақтида ва самарали таъминланиши устидан таъсирчан парламент ва депутатлик назоратини ўрнатишимиз лозим.



Бошланиши 1-бетда

Мамлакатимиз етакчисининг жиддий таҳлили Сурхондарё вилоятидаги маҳаллий ҳокимликларни ҳам янгича ишлаш, барча соҳада инновацион тизимларни жорий қилишга ундамоқда. Шу ўринда Ангор туманида жорий йилнинг биринчи чораги якунлари бўйича ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасидаги кўрсаткичларга эътибор берсак. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 105,3 фоиз, пудрат ишлари 105,4 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 106,1 фоиз, хизмат кўрсатиш ҳажми 120,6 фоиз ўсган.



Камбағалликдан фаровонлик сари

ЎЗГАРИШЛАР МЕЗОНИ: МЕҲНАТ, ТАШАББУС ВА НАТИЖА

Сўнгги йилларда Ангорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилиш бўйича ўзига хос мактаб яратилди.

Хусусан, Илғор ва Бахористон маҳаллаларида бошланган тажриба бугун туманининг барча ҳудудида оммалаштирилмоқда. Ангорда етиштирилган қишлоқ маҳсулотлари яқин-ийроқда ҳам яхши билади. Жорий йил тумандаги 334 гектар майдонга картошка экилди. Бу янги ички талабни қондириш учун етарли эмасдир, ammo тадбиркорларнинг бу борадаги изланишлари қисқа мuddатда картошкачилиқда ҳам Ангор тажрибаси шаклланишига замин яратишига шубҳа йўқ.

Тез қунарларда туманда 12 та янги sanoat корхонаси ишга тушади. Бу ҳам Ангорнинг йилдан йилга аграр ҳудудини sanoatлашган манзилга айланб бораётганидан dalolat. Мазкур янгиланишлар мамлакатимизда ишлаб чиқарувчи ва маҳсулот экспорт қиладиган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун берилётган имтиёз ва имкониятлар самарасидир. Ушбу ишлар туфайли шу йилнинг биринчи чорагида туманда 5682 та янги иш ўрни очилди. Бу орқали минглаб oilаларга барака кириб, иқтисодий-ижтимоий имконияти кенгайди.

Президентимиз видеоселектор йиғилишида барча даражадаги маъсуллар олди-га қўйилган вазифалардан асосий мақсад халқимиз турмуш шароитини яхшилаш, ҳаётдан рози бўлиб яшашига шароит яратиш бериш эканини таъкидлаган эди. Аҳолининг бирламчи эҳтиёжларини таъминлаш Ангорда ҳам асосий вазифага айланиб улгурган. Жумладан, тумандаги 19 та маҳалланинг инфратузилмасини яхшилаш борасидаги ишлар изчил davom эттириляпти. Дастур доирасида йил бошидан буён 35 километр ички йўл таъмирланиб, 22 та аҳоли пунктида ичимлик сув таъминоти яхшилади. Электр таъминоти меъёрида бўлишини таъминлаш мақсадида 35 километр тармоқ тортилиб, 17 та трансформатор пункти ангиланди.

— Ангор туманида иқтисодий ўсишини таъминлаш мақсадида sanoat ва тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди “Чинобод” МФЙ раиси Гулором Маматова. — Янги ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилиб, кичик бизнесга қулай шароит яратилмоқда.

Шу орқали янги иш ўринлари очилиб, аҳоли барқарор даромадга эга бўляпти.

Таҳлилни вилоятнинг энг кичик ва чекка туманларидан бирида яшовчи бандихонликлар ҳаётдаги real ўзгаришлар, камбағалликни қисқартириш борасидаги янги тизим мисолида davom эттирсак.

Бандихон туманида ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш, иқтисодий ўсиш суръатини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Туманда жорий йилнинг биринчи чорагида асосий макроиқтисодий кўрсаткичларда ўтган йилга нисбатан ўсиш кузатилди. Хусусан, sanoat маҳсулотларини ишлаб чиқариш қиймати 109 миллиард сўмга етиб, ўсиш суръати 124 фоизни ташкил этди. Қурилиш ишлари ҳажми эса 25,2 миллиард сўм, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш эса 102 миллиард сўмдан ошди. Шунингдек, хориждан 27,3 миллион доллар сармоя ўзлаштирилди.

Тумандаги Сарой маҳалласи аҳлининг асосий даромад манбаи — деҳқончилик. Маҳаллада картошкачилик драйвер йўналишига айланган. Худуд ахли бир мавсумда ўртача 50 миллион сўм агрофида даромад топтомоқда.

Бандихонда аҳолини сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш борасида аниқ чора-тадбирлар кўриляпти. Ҳозир Бектепа маҳалласида жойлашган 1 гектарлик иссиқхонада булғор қалампирни етиштирилмоқда.



— Дастлаб беш сотихли иссиқхонада икки ишчи билан иш бошлаган эдик. Икки-уч йилда иссиқхонамиз бир гектарга кенгайиб, доимий ишчилар сони 10 дан ошди. Ҳозир иссиқхонада етиштирилган маҳсулотлар нафақат туман аҳолисига, балки қўшни вилоятларга ҳам етказиб берилмоқда, — дейди тадбиркор Ҳасан Нормуродов.

Тумандаги яна бир йирик корхонада калава ип ишлаб чиқарилади. У 2024 йилда 9 миллион доллар инвестиция киритиш эвазига Туркия технологиялари асосида ишга туширилган эди. Натيجода 50 киши ишли бўлди.

Президентимиз топшириқларидан келиб чиқиб, жорий йилда Бандихонда бандлик дастурлари доирасида янги иш ўринлари

очиш режа қилинган. Бу орқали 11 минг 300 кишининг бандлиги таъминланади. Шу тариқа ишчиллик даражаси 4 фоизга туширилади. Биринчи чорақ якунлари билан ҳудудда 2600 юртдошимиз иш билан банд қилинди.

Музработ туманида ҳам ҳудуднинг иқтисодий ўсишини таъминлаш ва қўллаб-қувватлашда davlat ресурслари муҳим ўрин тутмоқда. Ҳудудда 2026 йилнинг биринчи чораги якунида sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 194,5, пудрат ишлари 80,3 ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 371,2 ҳамда бозор хизматларини кўрсатиш ҳажми 263,1 миллиард сўмга ўсган.

Яширин иқтисодий тараққиётга салбий таъсир қилиши сир эмас. Шу боис, туманда яширин иқтисодий ва инфляция кўрсаткичи орттиришнинг олдини олиш борасида аниқ вазифалар белгилаб олинди.

— Туманимизда яширин иқтисодийни жилволаш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўрилмоқда, — дейди Музработ тумани солиқ инспекцияси бошлиғи ўринбосари Акмал Нурмаматов. — Мазкур йўналишдаги таҳлиллар натижасида 81,8 миллиард сўмлик яширин айланма ва қўшимча манбалар аниқланди. Кўрилган чоралар натижасида тадбиркорлар томонидан 15,9 миллиард сўмлик ҳисоботлар қайта топширилиб, жорий йилнинг биринчи чорагида бюджетга 12 миллиард 364 миллион сўм ундирилди.

Музработ туманида биринчи чорақда 194,5 миллиард сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилиди. Иккинчи чорақ учун янада балад марра олинди, 559,6 миллиард сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш режа қилинган. Шунингдек, туманда

нарх-наво барқарорлигини сақлаш, аҳолини мева-сабзавот билан таъминлаш борасида ҳам муайян ишлар бажарилди. Жумладан, 1955 гектар ер 5038 та лот орқали 3187 та деҳқон хўжалигига ажратиб берилди. Шу-нингдек, Обод турмуш маҳалласи ҳудудида “Бизнес логистик” тадбиркорлик субъекти 200 гектар ерга полиз экинни эккан.

— Ҳозир далада қовуннинг 3 хил серхосил навини етиштиряпмиз. Яқинда маҳсулот экспорти бошланади. Ҳар гектардан 20 тоннагача маҳсулот олиш мўлжал қилинган. Шу ҳисобда ҳосилдорлик 4000 тоннани ташкил қилади. Шундан фақат 5 тоннаси ички бозорга, қолгани хорижга сотилади. Бундан ташқари, ҳар гектардан чорва учун 28 тонна озуқабоп маҳсулот ҳам тайёрляптимиз, — дейди “Бизнес логистик” масъулияти чекланган жамиятининг Музработ туманидаги иш бошқарувчиси Нодир Тошбоев.

Туманда жорий йил биринчи чорагида 26,5 миллион долларлик тўғриги турги хорижий инвестиция ўзлаштирилган. Шунингдек, 2,4 миллион долларлик мева-сабзавот экспорт қилинган.

Худуд аҳолисини гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлашда Дубоа маҳалласидаги паррандачилик корхонасининг алоҳида ўрни бор. Келгусида тадбиркор балкичилик йўналишини ҳам йўлга қўйиш ва маҳсулотларни сақлаш учун музлаткичли ombor қуришни режа қилган. Бу эса яна янги иш ўринлари очилиб, иқтисодий барқарорликка муносиб хисса қўшилади, дегани.

Гап одамларни ишли қилиш ҳақида кетаркан, бу борада туманда йилнинг дастлабки уч ойида эришилган ютуқлар ҳақида ҳам тўхталиш керак. Маълумотларга кўра, ушбу даврда туманда 5616 та иш ўрни очилган. Улардан 663 та сони доимий, 4522 та эса мавсумий. Бундан ташқари, легаллаштириш ҳисобига 431 та янги иш ўрни ташкил этилган. Умуман олганда, аҳолини касб-ҳунарга ўқитиб, ишли қилиш каби ишлар туфайли фаровонлик таъминляпти.

Маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш борасидаги ишлар ҳам музработликлар қувончига сабаб бўляпти. Жумладан, биринчи чорақда 19 та маҳаллада 191 километр ички йўл таъмирланди. Маданият, Дарбанд ва Фидокор маҳаллалари ичимлик сув билан таъминланди. Шунингдек, 14 та мактабгача таълим ташкилотининг ҳолати яхшиланди. Учта маҳаллада томорқани сугорини тизими қайта тикланиб, юқори кучланишли электр тармоғи тортилди.

Бу борадаги ишлар изчил davom этмоқда. Хусусан, ҳозир 15 та маҳаллада бунёдкорлик ишлари бажарилмоқда. Шунингдек, “Қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш” дастурининг иккинчи босқичи бўйича Музработдаги 13 та ижтимоий соҳа объектда 24 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

Давлатимиз раҳбари ўтказган видеоселектор йиғилишидан сўнг Сурхондарё вилоятида ҳам иқтисодий ўсишини таъминлаш бўйича зарур чоралар белгилаб олинган. Ҳозир бу саъй-ҳаракатлар худудлар ривож, камбағалликни қисқартиришда қўл келмоқда.



Нуқтаи назар

Ҳаёт ҚОДИРОВ, Касбий таълимни ривожлантириш институти директори

Бошланиши 1-бетда

Шу маънода, касбий таълим бугун оддий ижтимоий соҳа эмас, балки мамлакат иқтисодий сиёсатининг амалий таянч нуқтасига айланмоқда. Техникумларда тайёрланаётган ҳар бир малакали мутахассис корхонага кириб борадиган ишчи кучигина эмас, балки маҳсулот сифати, хизмат маданияти, ишлаб чиқариш интизоми ва ҳудудий иқтисодиётнинг барқарор ўсишига таъсир кўрсатадиган инсон капитали демакдир.

Кейинги йилларда мамлакатимизда касбий таълимга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам бежиз эмас. Ривожланган давлатлар таърибси рақобатбардош иқтисодиёт, аввало, рақобатбардош кадрдан бошланишини кўрсатади. Кадр эса назарий билимдан ташқари амалиётда синовдан ўтган кўникма, касбий масъулият ва натижага йўналтирилган тайёргарлик билан шаклланади.

Ислохотлар марказида — меҳнат бозори талаби

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 23 октябрдаги “Касбий таълим тизимида ислохотларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳа ривожини янги bosқичга олиб чиқди. Унда касбий таълимни оммалаштириш, ўқитиш мазмуни ва сифатини ошириш, дуал таълимни ривожлантириш, худудларда илгор касбий маҳорат техникумларини ташкил этиш, сифатни таъминлаш ва молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш каби устувор йўналишлар белгиланган.

Шу билан бирга, Президентимизнинг ушбу санадаги “Касбий таълим тизимида бошқарув самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида касбий таълим ва касбга ўқитишни ягона ёндашув асосида бошқариш, илгор хорижий таърибларни самарали жорий этиш ҳамда халқаро стандартларга мос, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш асосий мақсад сифатида белгиланган. Мазкур ҳужжатлар касбий таълимдаги ўзгаришлар фақат шаклий янгиланиш эмас, балки бошқа-



КАСБИЙ ТАЪЛИМ

Тараққиётимизнинг инсон капиталига таянган кучи

рув, мазмун, сифат, молиялаштириш ва меҳнат бозори билан интеграцияни бир бутун тизим сифатида қайта кўришга қаратилганини кўрсатади.

Энг муҳими, энди касбий таълим муассасаси меҳнат бозоридан ажралган ҳолда фаолият юритиши мумкин эмас. Ҳар бир дастур, ҳар бир ўқув модули, ҳар бир амалиёт машғулотини “бу кўникма битирувчига иш жойида керакми?” деган саволга аниқ жавоб бериши лозим. Агар таълим мазмуни корхона эҳтиёжидан орда қолса, диплом бор, аммо ишга тайёргарлик етарли эмас деган муаммони юзга келтиради. Шунинг учун касбий таълимнинг асосий мезони битирувчининг ишга тайёрглиги, иш берувчининг ишончи ва меҳнат бозоридagi натижаси бўлиши шарт.

Маҳсулдорликни ошириш заруряти

Бу борада давлатимиз раҳбарининг жорий йил апрелда Фарғона вилоятига ташрифи давомида билдирган фикрлари касбий таълим тизими учун ҳам муҳим сиёсий ва амалий сигнал бўлди. Президентимизнинг “Фарғона ахли биздан янада катта натижа кутишти” деган сўзлари фақат бир худудга берилган баҳо эмас. Бу ҳар бир соҳада, жумладан, касбий таълимда ҳам натижадорлик, тезкорлик ва масъулиятни ошириш зарурлигини аниқлаётган қатъий талабдир.

Фарғона аэропортини ривожлантириш жараёнида давлатимиз раҳбари аэропорт ҳар қандай худуднинг дарвозаси эканини таъкидлади. Шу фикрни касбий таълимга нисбатан ҳам қўллаш мумкин: техникумлар — худуд иқтисодиётининг малакали меҳнатга очиладиган дарвозаси. Агар бу дарвоза замонавий билим, ишлаб чиқариш билан боғланган амалиёт ва рақобатбардош кўникмага охилса, худудда саноат ҳам, хизмат кўрсатиш ҳам, тадбиркорлик ҳам тезроқ ривожланади.

Демак, касбий таълимдаги ҳар бир ислохот қозғоғи режа ёки ҳисобот бўлиб қолмайди. У худудда янги иш ўрни, корхонада сифатли маҳсулот, ёшлар ҳаётида барқарор даромад ва жамиятда қадр топган касби шакллантириш учун хизмат қилиши керак.



Қуруқ ҳисоботдан амалий самарадорликка

Касбий таълимдаги энг муҳим ўзгаришлардан бири дуал таълимни кенгайтириш билан боғлиқ. Унинг мазмуни оддий, аммо таъсири катта: ўқувчи назарий билимини таълим муассасасида, касбий кўникмани эса ишлаб чиқариш муҳитида эгаллайди. Натижада битирувчи корхонага у ердagi муҳит, техника хавфсизлиги, иш тартиби, ускуналар билан ишлаш маданияти ва жамоавий масъулиятни олдидан англаб боради.

Шу босис, дуал таълимни фақат шартнома тузиш ёки амалиётга юбориш билан чеклаб бўлмайди. Унда уч томон — таълим муассасаси, иш берувчи ва ўқувчи учун аниқ мажбуриятлар бўлиши керак. Таълим муассасаси дастур ва методикани таъминлайди, корхона реал иш муҳитига олиб қиради, ўқувчи эса касбий натижага эришиш учун зиммасига масъулият олади. Ана шунда дуал таълим қозғоғи ҳақиқатан ҳам, амалдаги кадр тайёрлаш механизмига айланади.

Халқаро дастурлар ва миллий эҳтиёж уйғунлиги

Бугун касбий таълимни ривожлантиришда халқаро таълим дастурларини жорий этиш, касбий

стандартларга асосланган модулли дастурларни ишлаб чиқиш ва ўқувчиларни халқаро меҳнат бозори талабига яқинлаштириш муҳим.

Бироқ халқаро таърибни жорий этиш уни тайёр ҳолда кўчириш дегани эмас. Ҳар қандай дастур миллий иқтисодиёт эҳтиёжи, худудлар ихтисослашуви, маҳаллий корхоналар талаби ва ўқувчиларнинг реал имкониятлари билан уйғунлаштирилганда натижа беради. Шунинг учун касбий таълимда “халқаро стандарт — миллий амалиёт — иш берувчи талаби” занжирини шакллантириш зарур.

Касбий таълимда энг замонавий дастур, энг яхши жиҳоз ва энг мукамал қарор ҳам ўқитувчи ҳамда ишлаб чиқариш таълими устаси салоҳиятинисиз кутилган натижа берамайди. Шунинг учун соҳадаги ислохотлар марказида педагог кадрлар малакасини ошириш, уларни ишлаб чиқариш билан яқинлаштириш ва методик таъминотни кучайтириш туриши лозим.

Бунинг учун педагогларнинг малака ошириш курслари ҳам замон талабига мос бўлиши шарт. Малака ошириш назарий маърузалар билан чекланмай, корхоналарда стажировка, замонавий ускуналар билан ишлаш, рақамли симуляторлар билан таъминланган ва амалий кейслар асосида ташкил этилиши зарур. Чунки амалиётни кўрмаган педагог ўқувчини амалиётга тайёрлашда қийналади.

Тизим олдидаги аниқ вазифалар

Ислохотлар кенг қўламли бўлишига қарамай, тизим олдида ҳал қилиниши зарур бўлган вазифалар ҳам мавжуд.

Биринчидан, айрим техникумларда моддий-техник база ҳали барча йўналиш бўйича замонавий талабга тўлиқ жавоб берамайди.

Иккинчидан, таълим дастурларини янгилash сурувати меҳнат бозоридagi ўзгаришлар сурувати билан ҳар доим ҳам уйғун эмас.

Учинчидан, иш берувчиларнинг таълим жараёнидаги иштироки худудлар кесимида турлича.

Тўртинчидан, битирувчиларнинг ишга жойлашиши, касбий ўсиши ва иш берувчи томонидан баҳолалиниши мунтазам таҳлил қиладиган рақамли мониторинг тизимини янада кучайтириш зарур.

Касбий таълимнинг нуфузини ошириш ҳам жамият тафаккури билан боғлиқ. Айрим ота-оналар ва ёшлар касбий таълимни ҳали ҳам оддий таълимга нисбатан иккинчи даражали йўл сифатида қабул қилади. Ваҳоланки, замонавий иқтисодиётда яхши электромонтёр, мехатроник, пайвандчи, автомобилларга хизмат кўрсатиш мутахассиси, дастурлашга ихтисослашган техник, агротехнолог ёки меҳмонхона сервис ходими ҳам мамлакат ривож учун стратегик аҳамиятга эга.

Натижавий малакани шакллантираётган методик марказ

Мазкур қарорда белгиланган вазифалар ижроси доирасида Касбий таълимни ривожлантириш институти томонидан касбий таълим мазмунини халқаро стандартлар, хорижий таъриб ва миллий меҳнат бозори талаблари



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

асосида тубдан янгилашга қаратилган тизимли ишлар бажарилмоқда. Хусусан, иқтисодиёт тармоқларида талаб юқори бўлган йўналишлар бўйича 60 та таълим дастури хорижий таъриб асосида тўлиқ қайта ишланди. Ушбу дастурлар фақат назарий билимларни бериш эмас, балки ўқувчиларда аниқ касбий компетенциялар, иш жойида зарур бўладиган амалий кўникмалар, технологик жараёнларни тушуниш, замонавий ускуналар билан ишлаш маданияти ҳамда иш берувчи талаб қиладиган натижавий малакани шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Энг муҳими, мазкур дастурлар халқаро институтлар ва ташкилотлар иштирокида экспертизадан ўтказилиб, уларнинг мазмуни халқаро таълим стандартлари, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ва миллий касбий стандартлар билан уйғунлаштирилди.

Бу жараёнда институт касбий таълим тизимига илгор халқаро ёндашувларни олиб кирувчи, уларни маҳаллий шароитга мослаштирувчи ва амалиётга таъбиқ этишни ташкил этувчи методик марказ сифатида майдонга чиқмоқда. Таълим дастурларини такомиллаштиришга хорижий икки мутахассис маслаҳатчи сифатида жалб этилди. Уларнинг тавсиялари асосида модуллар мазмуни, ўқитиш натижалари, баҳолаш мезонлари ва амалиёт билан боғлиқ топшириқлар қайта кўриб чиқилди. Шу билан бирга, халқаро лойиҳаларни касбий таълим тизимига жалб этиш, техникумларда замонавий ўқитиш

муҳитини шакллантириш, педагог ва ишлаб чиқариш таълими усталари салоҳиятини ошириш, шунингдек, халқаро ҳамкорлар билан амалий алоқаларни кенгайтириш ишлари жадаллаштирилмоқда. Бундай ёндашув касбий таълимни ҳужжатларда белгиланган вазифалар даражасида эмас, балки реал натижа — янгиланган дастур, замонавий методика, кучли педагог, иш берувчига тайёр битирувчи ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизими сифатида намоён этишга хизмат қилади.

Шу маънода, институтида қилинаётган ишлар касбий таълимда “халқаро таъриб — миллий дастур — амалий кўникма — иш берувчи эҳтиёжи — меҳнат бозори натижаси” занжирини шакллантиришга қаратилган.

Тараққиётга кириш эшиги

Бугун касбий таълимга муносабатни тубдан ўзгартириш вақти келди. Техникум “олий таълим муассасасига қирра олмаганлар жойи” эмас, балки иқтисодиётга энг зарур мутахассислар тайёрланадиган замонавий таълим майдонидир. У ерда шаклланган ҳар бир касбий кўникма эртага корхонада маҳсулотқа, хизмат кўрсатишга сифатга, худудда бандликка, оила-даромадга айланади.

Давлатимиз раҳбарининг катта натижа ҳақидаги талаби касбий таълим тизими учун ҳам энг муҳим мезон бўлиб қолмоғи лозим. Касбий таълимда катта натижа замонавий ўқув дастури, малакали педагог, иш берувчи билан ҳақиқий ҳамкорлик, ишга тайёр битирувчи ва жамиятда қадр топган касб демакдир.

Ана шу мақсадга изчил эришилса, касбий таълим янги Ўзбекистон тараққиётининг энг ишончли инсон капитали мактабига, худудлар иқтисодиётининг барқарор ўсиш манбаига ва ёшлар келажагини амалий натижа билан боғлайдиган қудратли тизимга айланади.

КЕЛАЖАК ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

БИЛИМ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР КРЕАТИВ КАДРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Навбахорлик Бобур Асадуллаев тумандаги 2-техникумда компьютер графикаси ва дизайн оператори йўналиши бўйича ўқияпти. Ҳозир у таълим масканидаги шароитдан унумли фойдаланиб, сайтлар яратмоқда. Шунингдек, қурилиш соҳасида ҳам хизмат кўрсатиб, уйлар лойиҳаси ва дизайн устида ишлаяпти.



Ушбу техникумда Бобур каби билим олиб, касб ўрганаётган ёшлар талайгина. Бу юртимизда профессионал таълим соҳасини ривожлантириш, ёшларни замонавий касб-хунарларга ўқитиш борасидаги ислохотлар самараси. Навхорон авлодини меҳнат бозори талабига мос кадрлар этиб тайёрлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Ҳозир “Бир ёшга — бир касб” тамойили асосида амалий кўникмаларга эга, мустақил фикрлайдиган, замон билан ҳамнафас мутахассисларни тайёрлашга катта эътибор бериляпти. Хусусан, худудлардаги техникум ва касб-хунар таълими муассасалари фаолияти тубдан янгиланяпти. Ўқув бинолари реконструкция қилиниб, замонавий лаборатория ва устахоналар ташкил этилмоқда. Таълим дастурлари эса иқтисодиёт эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда қайта шакллантирилмоқда. Муҳими, назария билан амалиёт уйғунлашиб, ўқувчилар корхона ва ташкилотларда ишлаб, таърибга оширяпти.

Навбахор туманидаги 2-техникум ҳам шу каби замонавий таълим муассасаларидан. Ҳозир унда 720 ўқувчи 14 касб ва мутахассислик бўйича таҳсил оляпти. Жумладан, автомобиль таъмири, тракторчи-машинист, кимёвий технология, электромонтёрлик, пайвандлаш, тоқарлик, машинасозлик, ветеринария, компьютер графикаси каби истиқболли йўналишлар бўйича кадрлар тайёрланади.

— Ўқувчиларимиз 7 касб ва мутахассислик бўйича дуал таълим тизимида таҳсил оляпти, — дейди техникум директори ўринбосари Фазлиддин Кутлиев. — Бу ерда олган назарий билимларини ҳафтада уч кун саноат корхоналарида ишлаб мустаҳкамлайди. Мазкур тизим самара бермоқда. Ўқувчиларимиз мутахассислиги бўйича ютуқларга эришяпти. Жумладан, Аслиддин Ҳайдаров автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича Андижонда

ўтказилган танловда 1-ўринни эгаллаб, Хитойнинг Шанхай шаҳрида бўлиб ўтадиган мусобақага йўналгани кўлга киритди. Ҳар бир касб бўйича ўқувчиларимизга зарур шароит яратилган, жиҳозларимиз янгиланган, малакали усталар дарс ўтмоқда.

Таълим масканидаги талабгор йўналишлардан бири тикувчилик. Енгил саноат жадал ривожланаётган бир паллада малакали тикувчиларга эҳтиёж тобора кучаймоқда. Шу босис, ушбу йўналишда таҳсил олаётган қизлар учун амалиёт хонаси ажратилган. Қолаверса, улар замонавий тикув машиналари ва зарур ускуналар билан таъминланган. Ўқувчилар мато танлашдан тортиб, замонавий дизайндаги либослар тикишгача бўлган барча жараёни пухта ўзлаштиришмоқда. Муҳими, ёшлар касб ўрганиб, тадбиркорликни йўлга қўйиш имкониятига ҳам эга бўлмоқда.

Тикувчилик йўналишида ўқитган Диана Қўлдошбоева интуитивчанлиги, чеvarлиги билан усталари эътирофига сазовор бўлган. У қисқа муддатда замонавий тикув машиналарида эркин ишлаш, турли либослар тикишнинг мукамал ўзлаштирди. Хунари сабаб даромад топяпти.

Ҳозир тикувчилик фақат чокни чироийли ва сифатли чиқаришдангина иборат эмас, балки дизайнлирик, бренд яратиш, онлайн савдо орқали маҳсулот сотиш каби талаблар мавжуд. Техникумда бу борада ҳам зарур кўникмалар бериб борилади. Зеро, тикувчиликни пухта ўрганганлар иш ўрни очадиган кадрлар бўлиши лозим. Ана шундай мохир чеварлардан бири Нилуфар Асадова. У келгусида ушбу йўналишда шахсий бизнесини йўлга қўймоқчи.

— Техникумда учта тикувчилик гуруҳи бор. Уларнинг ҳар бирида йигирмадан ортққ ўқувчи касб ўрганапти, — дейди техникум ўқитувчиси Анорхон Қозоқова. — Икки йилда улар мохир



чевар бўлиб, мустақил фаолиятини йўлга қўяди. Тумандаги энг йирик текстиль корхоналари билан шартнома тузганмиз. Ўқувчиларимизга амалиёт даврида ҳам меҳнатга яраша маош тўланади. Хоналаримиз замонавий тикув воситалари билан таъминланган. Ўқув жараёнида корхоналардаги каби замонавий жиҳозлардан фойдаланилади. Бу ишлаб чиқариш амалиётда ўқувчиларимизга катта кўмак беради. Улар олийгоҳда ўқишни давом эттирса ҳам ўрганган хунари доим асқатиши шубҳасиз. Олдида катта мақсад қўйиб, келгусида корхона очмоқчи бўлган ўқувчиларимиз ҳам бор.

Президентимизнинг 2024 йил 16 октябрдаги фармонида бўлган ўқувчиларимиз назарий билим билан бирга амалий кўникмага ҳам эга бўлишига хизмат қилмоқда. Ўқувчиларимиз таълимни якунлагач, нуртимидаги хорижий компанияларда ишлаш ҳам мумкин, — дейди техникум директори Гулбахор Қодирова. — Моддий-техник базамиз мустаҳкам. Бунинг учун шу йилнинг ўзига 2,5 миллиард сўмдан ортққ маблаг ажратилди. Лазерли кесувчи аппаратлар, компьютерлар, 3D принтерлар, пайвандлаш ускуналарининг энг замонавий русумдагилари етказиб берилади. Булар ўқувчиларнинг рақобатбардош мутахассис бўлишига ёрдам беради. Яратилган имконият,

Замон билан ҳамнафас



бўйича 121 ўқувчи халқаро таълим шаклида ўқий бошлады.

— Техникумдаги халқаро бўлимда компьютер графикаси ва дизайн оператори, металл ишлаш бериш, пайвандловчи, электромонтёр йўналишларида ёшлар халқаро талаблар асосида пухта билим эгалламоқда. Дарслар асосан амалий ўтиляпти. Бу ўқувчиларнинг назарий билим билан бирга амалий кўникмага ҳам эга бўлишига хизмат қилмоқда. Ўқувчиларимиз таълимни якунлагач, нуртимидаги хорижий компанияларда ишлаш ҳам мумкин, — дейди техникум директори Гулбахор Қодирова. — Моддий-техник базамиз мустаҳкам. Бунинг учун шу йилнинг ўзига 2,5 миллиард сўмдан ортққ маблаг ажратилди. Лазерли кесувчи аппаратлар, компьютерлар, 3D принтерлар, пайвандлаш ускуналарининг энг замонавий русумдагилари етказиб берилади. Булар ўқувчиларнинг рақобатбардош мутахассис бўлишига ёрдам беради. Яратилган имконият,

шароитлар туфайли ўқувчилар дастурлаш, веб-сайт яратиш, рақамли дизайн каби соҳаларни ўзлаштирмоқда. Ёшлар орасида ҳозирданок сайт яратиш, онлайн савдон иўлга қўйётганлар ҳам бор. Жумладан, ўқувчимиз Бобур Асадуллаев ахборот технологиялари соҳасида илк ютуқларини қўлга киритди.

Техникумдаги ҳар бир йўналиш учун махсус синфхона, лабораториялар мавжуд. Улар зарур ўқув жиҳозлари билан таъминланган. Таълим муассасасида мунтазам “Очиқ эшиклар кўни” ўтказиб борилади. Тумандаги 9-11-синф ўқувчилари техникумдаги ўқув жараёни, замонавий жиҳозланган устахоналар, лабораториялар билан танишади. Техникум ўқувчиларининг амалий ишлари ҳақида аτροφича маълумотга эга бўлади.

— У ерда ёшларни касб-хунарга жалб қилиш бўйича ҳам тизимли ишлар қилинган, — дейди Гулбахор Қодирова. — Жумладан, “Очиқ эшиклар кўни” тадбирларида Pearson Education халқаро таълим йўналишининг имкониятларини бағдосил тушутирилади. Бу йил нафақат туманимиз, балки бошқа худудлардан келган ёшларни ҳам ўқитишни мақсад қилганмиз. Бунинг учун жорий йилда қабул квотаси 350 та этиб белгиланган. Қабул қилинган 15 июндан 1 августгача давом этилади. Мактаб имтиҳонлари тугача, ўқувчилар онлайн платформа орқали ҳужжат топширади. Кейин Pearson Education халқаро таълим йўналишини саралаш босқичида ўтган ўқувчи техникумга қабул қилинади. Ўқиб муддати 2 йил. Шу муддатда ўқувчилар касб билан бирга амалий фанлар ҳам таълим олади.

Замонавий ҳаётни электр энергиясизис таъминлаш қийин бўлмайди. Ишлаб чиқариш корхоналари, уй-жойлар, муассасалар, ахборот тизимлари — барчаси узлуксиз электр таъминотига боғлиқ. Шу босис, бу соҳада билимли ва масъулиятли кадрларга доим эҳтиёж бор. Техникумда мазкур соҳа учун ҳам малакали кадрлар тайёрланмоқда.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



Мулоҳаза

Ўзбекистон халқ шоири, устоз Усмон Азимнинг "Риёсиз сўзлар" мақоласи жуда катта шов-шув бўлди. Кўпчилик мақолани ўқиди, фикр билдирди. Назаримда, бунинг бир неча омиллари бор. Биринчидан, сўз Усмон Азимники эди. Сўзи қадрли инсоннинг ҳар қадами залварли бўлади. Иккинчидан, унда на унвон, на бойлик тамаси бор. Учинчидан, сўз ҳақиқат эди. Усмон Азим ҳақиқатни ёзди. У воқелик моҳиятини асос ва далиллар билан юракка тегадиган, ақлни ёритадиган қилиб битди.



Акром МАЛИК, Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти илмий ходими, филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Усмон Азимнинг, етмиш олти ёшга кирган ва умри давомида бирор марта ўзи ҳақ билган сўздан бошқасини айтмаган, бирор марта тама ва лаганбардорлик соясига яқин келмаган забардаст шоирнинг бу битикларидан сўнг инсон ўзи кўрган яхшиликларини айтиши керак экан, ҳатто бу ўша одамнинг ўзи учун зарур, виждонни олдидидаги масъулиятни экан деб ўйлаб қолдим.

Ҳар ким ҳаётни ўз тақдири кўзгусида кўради. Одам қандай яшаган ва яшаётган, қандай азоб-уқубат ва қувончу фарҳанги ўтказган бўлса, шуларга суяниб, ҳаёт шундай экан деб хулоса қилади. Лекин тажрибали ва ориф инсонлар ҳаёт бир хил кечмаслигини идрок этиб, яхши ва ёмон, оғир ва енгил, оқ ва қора кунлар алмашиб туришини билади.

Дунё саҳнаси тинч эмас. Шундай мураккаб паллада Президентимизнинг оқилона, жасоратли ва донишмандона қарашлари, ёндашувлари билан Ўзбекистон мавқеини сақлаб, ҳатто янада юқори даражага кўтарилмоқда.



ЭРКИН РУҲНИНГ ҚАЙТИШИ

Ҳаёт ҳикматини тушунган одам мусибатдан дод-фарёд чекиб ёки ютуқлардан севиб кетмайди, балки тўғри яшаш, ҳақиқат ва адолат, шафқат ва раҳмат тарафидан туришига интилади. Мусибат ва бахтиёрлик асири бўлмай, ўзининг, кўнгил поклигини сақлаб қолиш, инсонийликни бой бермаслик, тўғри яшаш роҳида галабадир.

2011-2015 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси факультетига тахсил олдим. Талабаларнинг илк йили 21 ёшга тўлдирган эдим. Бу — ҳали дунёқараш буткул шаклланмаган, лекин руҳ ва қалб ўзи учун тафаккур ва маъно оламидан мақом ва макон истайдиган давр. Кўзимга олам қоронғи кўринади. Чунки ҳаммамнинг юзидо мунг бор эди. Одамлар очилиб гаплашмас, уларни оғир юк эзиб, елкасини букчи ташлагандек эди.

Мен — ёш, қалам ва сўзга ошувта, ҳар хил китобларни қалаштириб ўқийдиган йигит вазиятни тўлиқ тушуниш, баҳолаш ва ўзини қандай тутсам, тўғри бўлишини аниқлашга уринаман. Назаримда, ҳамма ўзи билан ўзи оғир; одамлар кунни ўтиши учунгина ишга келиб кетаётгандек. Жўшқинлик ва умид йўқдек туюлган бу даврда руҳиятида оғир маҳзунлик ва юк бор эди гўё. Мен излаган манзил Ватанда эмас эди; мен излаган бахт Ватандан топилмайди; мен истган хуррият ва эркинлик юртдан қувилган; хур ва хотиржам яшашим учун Ватаним бошқа бир шаклда бўлиши керак эди, назаримда. Шу сабабли ҳаётнинг турли эшикларига, тасаввурнинг турли деразаларига бошимни уриб кўраман.

Шунда тўғри йўлни, наҳот йўлни четдан — ташқаридан излай бошладим. Шундай қилсам, халқим ва Ватанимга энг катта хизмат қилган бўламан деб ўйладим. Ақлимга ҳам, қалбимга ҳам бу иш хато бўлиб туюлмади. Чунки ақл адасша, қалб бузилса, ўзидан бошқани ҳақ дея қабул қилмайди, ўзини тахлил ҳам этмайди. Бу хато қарор ва хато ишнинг охири қўлга кишан урилиб, пайжара ортига тушиш билан якунланди. У томонларнинг манзараси нечоғлиқ аянчли бўлгани бутун



ҳаммага равшан. Бу ҳақда ўзим ҳам анча ёзганман. Лекин кўзимга қилиш мумкинлиги, инсон ҳаёти тушга ўхшаб қолади, иложсизлик ва имконсизликни бутун вужудинг билан тусан ва ҳар бир кун курашлар ичиде кечади. Жиноятчилар тўдаси ичиде уларнинг жаҳолатига тоқат қилиб яшаш билан бирга зулмларга чидаб бериш у қадар енгил эмас. Ана шу лаҳзаларда инсон ўз қадри ҳақида, балки умуман одамод жонининг қадри ҳақида ўйлаб қоларкан. Шунда инсон қадрининг пашша қадар ҳам баҳоланмаслигини кўргач, "дунёда адолат ва марҳамат, самимият ва ростгўйлик бор" деган гап ёлғонга айланади. Киши турли хўйла ва адовлар билан бўлса-да, жонини сақлаб қолиш учун кураша қиради. Бу онда инсонийлик ва ахлоқ, шараф ва ҳақиятни ҳимоя қилиш жонни хатарга қўйиш билан тенгашади.

Аниқ эслаيمان: 2016 йил июль-август ойларига қўп-қоронғи хибсхонада ярим тунгача калтакланган ва маҳбуслар оху фарқини тинтилар, шунингдек, Жасликдан, Навоийдан, Қашқадарёдан тергов учун қайтадан хибсхонага қақирилган маҳкумлар билан суҳбатлашар эканман, ўзимга ўзим айтар эдим:

"Бу — зулмнинг чўққиси. Бу — ҳақсизликнинг ҳадди. Зулм ва ҳақсизлик бундан ортиб қаерга бориши мумкин яна? Демак, зулмнинг заволи яқин!"

Лекин бу қандай содир бўлишини ҳеч ким билмас эди. Ҳатто тушда ҳам зулмдан қутулиш ҳақида орзу қилиш, зулм чекингани тушда ҳам кўриш мумкин эмас эди. "Мозийга қайтиб иш кўрмак хайрли дейдилар". Бу жумлани Абдулла Қодирий "Уткан кунлар"нинг кириш қисмига битиб қўйган.

Мозийдан эсласам, кўп жиддий ва оғриқли хотиралар қолган. Уларнинг ҳаммасини ҳам айтиб бўлмайди. Лекин гап у хотираларда эмас, гап бошқа жойда. Яъни гап зулмнинг чўққига чиққан вақтда завол толгани ва халқимизнинг кўкрагига шамол, елкасига офтоб теккани ҳақида.

2017 йил 13 январь кунини суд мажлиси бўлди. Судья менга ачина-ачина 6 йил қамоққа ҳужм қилди. Шундан кейин март ойининг бошида Навоий шаҳридаги қамоқхонага олиб кетилдим.

Тасаввур қилинг: 2016 йил 22 июль кунини уйдан чиқиб, бедарак кетганман. Изси. Ҳеч

ким менинг қаерда эканимни билмаган. Бу чин маънода ўғирлаш эди. Одам ўғирлаш. Ўғирлар ким бўлганини бугун ҳамма билади. Ота-онамининг аҳволини тасаввур қилаверинг.

2017 йил 4 апрель. Чоршанба эди, адашмасам. Илк марта мени кўргани уйдагиларим қамоқхонага келди. Роппа-роса 7 ой 12 кун — ҳаётимда энг узок муддат онам мени, мен онамни кўрмаган вақт.

Кейинчалик онам айтди: "Туну кун сени ўйлайверинг, томоғимдан бир томчи сув, бир тишлан нон ўтмай қолди. Шунчалик кўп ўйладимки, Акром деган болани туққанмидим, шундай болам бормиди деб қолдим... Кечалари юрагим ортимга тортиб уйғонар эдим. Нафас етмасди. Шу вақтларда қамоқда Акромни азоблашаётган бўлса-я... Акромни ураётган бўлсалар-а, дея хавотирга тушар эдим..."

Мен ўз онам ҳақида айтганман. Лекин Ўзбекистонда бундай оналар минглаб эди. Бир вақтнинг ўзига, туну кун минглаб оналар юрак оғриғидан уйғониб кетарди. Уларнинг Яратганга илтижо қилишдан ўзга йўли йўқ эди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев лавозимга киришини биланок зулм занжирларини бирма-бир синдиришга киришди. Бу ҳодисанинг ҳосиласи 2017 йил эзининг бошидан бошлаб қамоқхоналарда кўринди.

Давлатимиз раҳбари 2020 йил 27 август кунини бир гуруҳ маҳкумларни афв қилиш ҳақидаги фармони имзолади. Афв этилганлар орасида менинг ҳам исми бор эди. Аммо озодликка чиқинг, энди байрам дегани эмас экан. Ич-ичингга ўрнашган зулм заҳмати, оғриқлар сени ҳар нарсадан шубҳаланишга, одамларга ишонмасликка етаклайди. Айтилаётган яхши гаплар ёлғон ва тузоқ каби кўринади. Яъни эркин ҳаётга қўшилиб кетиш ҳам оғир жараён. Бу худди қайта туғилишдек гап.

Аммо давлат мени ташлаб қўймади. Ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. Ўзимнинг яхши ҳис қилишимни, ўзимни тутиб олишим учун кўмаклашди. Отам ҳаммаша "Биз Шавкат Мироновичдан қарздоримиз.

Унинг, энг аввало, оиламизга қилган яхшиликларини унутганимиз мумкин эмас. Қолаверса, халқимизга, юртимизга қилаётган хизматини таърифлаб, тавсифлаб тугатиш имконсиз. Биз Президентимизнинг ҳақиқига кечая кундуз дуо қилишимиз керак", деб айтди.

Президентимизнинг фақат шахсимга қилган яхшилиги, бағрикенглигига суяниб сўз айтсам, кимлар учун бирёқлама туюлар, лекин унинг юрифтаган сиёсатига назар солиб, бундай хулоса қиламан: давлатимиз раҳбари узоқни кўрадиган, вазиятни тўғри баҳолайдиган, инсофли ва диёнатли инсон. Халқи ва Ватани учун жонини берадиган, халқнинг муҳаббатини, ишончини қозониб, дуосини олаётган шахс.

Давлатимиз раҳбари мамлакатда кичик ҳақсизлик кўрса ҳам жим тургани йўқ. Заррача зулмга рози бўлмайди. Одамларнинг бирорта мурожаати ҳақида муаллақ қолмаётган. Ҳар бир ҳолат ўрганилмоқда, ҳужжатлар, далилларга мувофиқ таҳлил этилмоқда; Президентимиз энг яхши усул ва йўللار билан мамлакатни қудратли, элни рози қилиш, халқнинг салоҳиятини юзага чиқариб, бутун дунёда ўз ўрнинини топишини учун курашмоқда.

2016 йилдан кейин шу кунгача — 10 йил давомида яна бир авлод катта ҳаётга кириб келмоқда. Ўн ёшли гулдаклар йигирма ёш бўлди. Бугун уларда биз кўрқув ва даҳшатни кўрмаймиз. Уларда эркин руҳни кўраемиз. Штаранж усталари Жаҳохир Синдоров, Нодирбек Абдусатторов, Англияда тўп тейлаётган Абдуқодир Хусанов ва жаҳон беллашувига йўл олган футболчиларимиз ҳам ана шу эркинликнинг ҳосиласи деб ўйлайман.

Дунё саҳнаси тинч эмас. Шундай мураккаб паллада Президентимизнинг оқилона, жасоратли ва донишмандона қарашлари, ёндашувлари билан Ўзбекистон мавқеини сақлаб, ҳатто янада юқори даражага кўтарилмоқда.

Юртимизга эркин руҳ қайтди. Халқимиз бир кун шундай қилиб келишини ҳатто туш кўра олмай қолган эди. Аммо бугун ҳаммаси ҳақиқатга эврилмоқда.

Неъматнинг зиёда бўлмоғи шукр қилиш билан. Бу неъмат ва яхшиликларни сақлаб қолиш учун ҳар бир инсон чин дилдан шукр қилиши керак экан. Яъни яхшиликлар сабабчиси ҳақида дуо қилиш; ўз вазифасини чин дилдан бажариш; илму маърифатини ошириш учун интилиш, адолат ва инсофли бўлиб одамларга яхшилик қилиш; кераксиз гаплар, ғийбат ва бўҳтонларга эътибор бермаслик — ана шулар шукрнинг тажаллийларидандир. Айниқса, илм аҳли, зиёлилар халқимизга бу борода сўз билан, гўзал нуқта ва чиқишлар билан, аниқ ва ҳаётий мисоллар билан ҳақиқатларни аниқламоғи, маърифат тарқатиши яхши ҳис қилишимни, ўзимни тутиб олишим учун кўмаклашди. Отам ҳаммаша "Биз Шавкат Мироновичдан қарздоримиз.

Бошланиши 1-бетда

Олтмиш йилдан зиёд тарихга эга сув омбори 180 миллион кубометр сувни жамлай олади. У ҳаммаша тоза ҳаво эсайдиган қир-адирлар ўртасида жойлашгани сабабли туризм ривожини учун жуда қўлай. Айни жиҳатларни инобатга олиб, туризмни жаҳон андозалари даражасида ривожлантиришга қаратилган 200 га яқин истикболли лойиҳа ишга туширилди. "Каркидон" ҳудудида янги экотуризм мажмуаси барпо этилганидан буён бу ерга узоқ-яқиндан келаётган саёҳатчилар, меҳмон мезбонларнинг қадами узилган эмас. Мажмуа катта сайёҳлик, дам олувчилар масканига айланиб кетди. Унинг бутунги кўрку жамоли сари ошқабат-ганлар карвони бир дам бўлса-да тўхтагани йўқ. Одамлар халқ фаровонлиги йўлидаги имкониятлардан баҳра олмақда.

"Каркидон" сув омбори ҳақида аввал ҳам эшитганмиз. Лекин саёҳат қилиб, мароқли ҳордиқ чиқаришга шарт-шароит бўлмаганидан бу ерларга келиш истаги туғилмаган, — дейди Езёвон тумани "Тошқовуз" маҳалла фуқаролар йиғинидан саёҳатга келган Жаҳонгир Абдурахимов. — Қисқа муддатда бутун манзара ўзгариб кетибди. Янги йўл ва йўлақлар, яшил майдонларни кўриб, баҳри дилимиз очилди. Авваллари кўрмаган шале, замонавий меҳмон уйлари ҳориждаги дам олиш масканларидан асло қилинмади. Бу ерга онам, фарзандларим билан келганмиз. Кун давомида сув омбори ҳавасидаги махсус қайиқларда сайр қилиб, шинам уйларида ҳордиқ чиқардик. Энди бир олам таассурот билан қайтишимиз. Ҳаммаси гўзал, бетакор.

Ҳақ гап. Сув омбори айни кунда водийликларнинг ёзи дам олиш ва экотуризм учун энг жозибдор манзилларидан. Худуд салоҳиятидан самарали фойдаланиб, аввал йайдок дала бўлган манзил бутун туристик ҳабага айланди. Худудда қиймати 635 миллион сўмлик замонавий сайёҳлик мажмуаси шаклланимоқда. Бу ерда агро, экстремал ва экотуризмларни ўзига жамлаган мухташам комплекс қад кўтаряпти. Сув омборининг икки ёнидаги тепалиқлар орасига



дор йўли тортилиб, ҳаракатланувчи осма кабиналар қўйилди. Улар икки қирғоқни бир-бири билан боғлайди ва дам олувчиларда ҳаяжонли, унутилмас таассурот қолдиради. Унинг қирғоғида чўмилиш ҳавзалари, сув аттракционлари, кўёш нурида тоблиниш учун шароитлар яратилляпти. Болажонлар учун қум бурчақлари ташкил этилмоқда. — Бу ер бизга бегона эмас. Лекин шу кунга қадар дам олиш учун келмаганмиз, — дейди Қува туманидаги "Турк" маҳалла фуқаролар йиғинида умргузаронлик қилаётган Музаффар Қодиров. — Йиллар давомида эътибордан четда қолган соҳил бўйида сайру саёҳат қиладиган шароит бўлмаган. Очиги, ёзда иссиқ, тунда зимистон бу манзилларга келишга юрак бетламасди. Энди тунда ҳам кундуздагидек қароғон кўчалар, дам олиш масканлари, сайёҳлар адирликлар бағрига янги ҳаёт нафасини олиб кирган. Қаранг, ҳозир одамларнинг қадами узилмайди. Буларнинг барчаси инсон қадрини улуғлаш йўлидаги шароит ва имкониятларнинг амалий ифодаси. — 508 гектар ердан иборат мажмуада эко, агро ва экстремал туризм имкониятлари ўзaro умумлаштирилди, — дейди Қува тумани ҳокими Ҳалимжон Умаров. — Замонавий меҳмон уйлари, агротуризм мажмуаси, гулзор, ўта фойдалан лавандазор, экобозор, сўлим хиёбонлар, умумий овқатланиш шохобчалари мавсум давомида сайёҳлар хизматида. Шунингдек, юздан ортиқ тадбиркорлик субъектида 2000 га яқин янги иш ўрни очилди. Жорий йилнинг ўзида бир миллионга яқин сайёҳни қабул қилиш орқали бюджетга 3 миллиард сўм тушум ҳамда 5 миллион долларлик хизматлар экспортини таъминлаш

"КАРКИДОН" КЎРКИ САЙЁҲЛАРНИ РОМ ЭТМОҚДА

кўзда тутилган. Бу ерда мотокросс майдонлари, икки километрли дор йўли, картинг ва гольф майдонлари ҳам ташкил этиляпти. Белгиланган режага кўра, мажмуа кейинги йили тўлиқ қувватда ишга туширилади.

Кенг пайкалларга яшил пояндоз тўшалгандек. Димонингизга турфа гуллар ифори урилади. Кўз илгамас кенгликлар бўйлаб ястаниб кетган боғ-роғлар, сайёҳлар дам олувчилар билан гавжум, фэйзли.

"Каркидон"даги ишлар инсон тафаккури билан яратилган чинакам мўъжиза, — дейди қувалик боғбон Каримжон Ашуров. — Бу лойиҳаларнинг барчаси кўз ўнгимизда ва жуда қисқа муддатларда амалга ошганини кўриб, халқимиз салоҳияти, куч-қудратини дилдан ҳис қилдим, гурурландим. Оиламиз эълолари билан бир шубҳасиз яқин худудда интенсив ўриквор барпо этганмиз. Авваллари бу манзилга зарур юмуши бор кишиларгина келарди. Энди ҳаммаси ўзгариб кетди. Узоқ-яқиндаги биродарларим кўнграқ қилиб, саёҳатга келиш истагини билдиришти. Уларни иккиланмай саёҳатга чорляпман. Аҳоли фаровонлиги йўлида яратилган қулайликлар янги ташаббусларга ҳам қанот бўляпти. Айни кунда 80 гектарли боғимиз худудда агротуризмни йўлга қўйиш бўйича янги бизнес-лойиҳалар устида ишлаймиз. Бу янги иш ўринлари, қўшимча хизмат, даромад дегани.

Қисқаси, "Каркидон"нинг кўрку жамоли кундан кун ўзгариб, янги манзаралар ичра янгиланиб бормоқда. Худуд қияфасини тубдан ўзгаришти юборган кенг ва равон йўллар, мухташам иморатлар, яшил майсозор дам олиш хиёбонлари қадим масканнинг "ташриф қозғони"га айланди.

Расулжон КАМОЛОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари тахририяти ДМ МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-646. 30166 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ, офсет усулида. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда. "ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Азизбек Юсупов Мусахҳиж: Малоҳат Мингбоева Дизайнер: Зафар Рўзиев Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй ЎЗА яқуни — 21:10 Тошхирлиди — 23:05